جدید

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2024-yil 18-oktyabr
№ 43(43)
www.jadid-media.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

МАХТУМҚУЛИ – БАШАРИЯТ ШОИРИ



Махтумқулидан қолган мерос қиймати шундаки, адабий-назарий томондан жуда кўп масалаларга, жумбоқларга ечим бера олади. Шеърнинг ҳикматона табиати, шакли, оҳанги ва инсон қалбига йўл топиши каби хусусиятлар – булар Махтумқулидан қолган бадиий меросда жамулжамдир.

(3-саҳифада ўқинг).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Жорий йилнинг 15 октябрь куни пойтахтимизда “Ислом – эзгулик ва тинчлик дини” мавзусидаги нуфузли халқаро анжуман бошланди. Тадбирда Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Иордания, Уммон, Россия, АҚШ, Франция, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ҳиндистон ва Покистон каби дунёнинг 22 мамлакатидан 70 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилот раҳбарлари, дин арбоблари, муфтийлар ва таниқли уламолар иштирок этмоқда.

Маълумот ўрнида: мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистонда “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббуси доирасида ташкил этилди.

Тадбир аввалида Президент маслаҳатчиси Хайриддин Султонов давлатимиз раҳбарининг халқаро анжуман иштирокчиларига табригини ўқиб эшиттирди. Унда халқаро конференция қатнашчилари қутланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги ташаббус қўллаб-қувватлангани, сўнгги 7 йилда юртимизда диний-маърифий соҳада улкан ислоҳотлар олиб борилгани, халқаро илмий марказлар ташкил қилингани, кўплаб алломаларимизнинг китоблари нашр этилгани қайд этилган.

Анжуманда сўзга чиққан хорижий меҳмонлар муқаддас Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб беришга қаратилган илмий маърузалар қилишди. Миср Араб Республикаси Муфтийси, Бутун дунё фатво кенгашлари ва идоралари бош котибият раҳбари, доктор Назир Муҳаммад Айяднинг анжуманда билдирган фикрлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.



ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИСЛОМ:

МЎЪТАДИЛЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан...

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин, устозимиз, Расулуллоҳ, у зотга, унинг оиласи ва саҳобаларига саловат ва саломлар бўлсин.

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Сўзимнинг аввалида Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ушбу анжуманга таклиф қилгани учун чин дилдан самимий миннатдорлик ва ташаккурларимни билдираман.

Азиз меҳмонлар!

Бугун биз исломнинг тинчлик ва эзгулик тушунчалари ҳақида фикр юритиш мақсадида йиғилдик. Ислом Қуръон ва суннат орқали назарий жиҳатдан ва пайғамбарнинг муборак сийрати орқали амалий жиҳатдан тинчлик ва яхшиликка чақиради.

Мен ушбу конференцияда “Глобаллашув жараёнида Ислом: мўътадиллик ва бағрикенглик” мавзусида фикр билдирмоқчиман. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонларини кўриб, исломнинг тўғри ёндашувини аниқлаш зарур. Глобаллашув жараёни бугунги кунда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ўзининг аччиқ меваларини бермоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

МИЛЛИЙ ТАФАККУР УСТУНИ

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори Низомиддин МАҲМУДОВ билан суҳбат

– Ассалому алайкум, домла. Аввало, қимматли вақтингизни аямаганингиз учун миннатдорлик билдирамиз. Мана яқинда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ўттиз беш йил тўлади. Ўтган давр мобайнида тилшунослик соҳасида жуда кўп ишлар амалга оширилди. Лекин охирги пайтлар, ёшларимиз орасида тилимизга муҳаббат пасайгандай туюлади. Айтинг-чи, она тилимизга нописанд қараш бизда қачондан, қандай шаклланди?




– Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда курраи заминда уч мингдан ортиқ тил мавжуд. Яна бошқа маълумотга кўра, хусусан, 2010 йилда “National Geographic” жамияти томонидан ташкил қилинган экспедиция аниқлаган Ҳиндистондаги коро тили дунё тилшунослигида қайд этилган 6909-тилдир. Табиийки, бу тилларнинг ҳар бири муайян бир қавм учун эъзозли она тилидир, уларнинг ҳар бири ўзининг собит соҳибига эга эканлиги шубҳасиз. Зотан, ўзини, ўзлигини, керагу нокерагини қўришни уддалай олмаган қўрқоқ қавмнинг она тили ўзи билан бирга тарих қаърида йўқликка маҳкум бўлганки, бу тиллар эндиликда данғалига “ўлик тиллар” номини олган. Узун ҳузур билан таъкидламоқ жоизки, ўша етти мингга яқин тиллардан бири бўлмиш ўзбек тили талотумли тарихнинг тотли-тахир қаърида турли тилларнинг тазйиқу таҳқирларидан қадди хам бўлса ҳам, адоқсиз имкониятлари боис олам аҳлининг ақлини шоширган беназир сўз дурдоналарининг дунёга келиши учун улуғ алломаю адиблар қўлига қалам тутқазди. Етти ёт бегона тилларнинг инжиқ истибдоди исканжасида инграса-да, шу қодир қалам боис тилимиз ўз табиатига асло заха едирмади, ўзининг минг йиллик мантиғига мункир келмади... Энг муҳими, тилимиз доно аждодларимиз йўргаклаган беназир тажрибаю қадри баланд қадриятларимизни, бебаҳо маънавий-маърифий бойликларимизни ўлмас мерос ўлароқ бизга етказиб келди, неча-неча авлодларни бир-бири билан замонлараро боғловчи қўпорилмас кўприк вазифасини иддаосиз бажарди...

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

МИЛЛАТ ҚАЙҒУСИ

Ёш авлоднинг қадриятларга содиқ, миллий ғурурли бўлишида ўзбек миллати тарихи, тили, имлоси, урф-одатлари ҳақида билим берувчи фанларнинг аҳамияти катта. Шу маънода алифбо, имло бўйича дарслар ва дарсликлар ўқувчиларга миллий ўзига хослигимизни сингдиришга ёрдам беради. Буни тўғри англаган жадидлар XX асрнинг бошиданоқ Туркистонда тўққиз ойлик мактабларни ташкил этган.



ЖАДИДЛИК ҲАРАКАТИДА ТИЛ МАСАЛАЛАРИ

Ўша даврдаги илм-фан даражаси, миллий педагогиканинг савиясига мос тарзда яратилган она тили дарсликлари, хусусан, алифбе китоби, албатта, бугунги она тили дарсликларидан фарқ қилган. Бу давр дарсликлари миллий педагогикамизнинг дастлабки шакллари сифатида нечоғлик аҳамиятга молик бўлмасин, барибир, ўша давр даражасида, савиясида эди.

XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб маънавий уйғониш сари юз тутган туркий халқлар миллат кўзгуси, тараққиёт омили бўлган тил масаласига жиддий эътибор берди. Матбуотнинг юзага келиши, нашр ишларининг шаклланиши, мактаб ва маорифга эътиборнинг ортиши натижасида имло масаласи биринчи ўринга чиқди. Маърифатпарварларнинг дунёвий илм-фан ва маданият сари интилиши тилни илмий асосда ўрганишни долзарб масала қилиб қўйди.

Туркистонда Фитрат бошчилигидаги маърифатпарвар шахслар илк бор ўзбек тилини илмий ўрганишга киришди. Улар миллий тил қоидалари араб ёки рус тили грамматикалари асосида эмас, балки миллий тилнинг ички табиатидан келиб чиқиб яратилиши кераклигини англаганлари сабабли ҳам тилни тарихий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари ва ҳудудларга хос шева материаллари асосида ўргана бошладилар. Натижада XX аср бошларида ўзбек тилшунослигининг дастлабки назарий асослари яратилди.

Ўша даврга келиб фан ва маданият ўчоғига айланган Истанбул, Қозон, Қрим, Боку шаҳарларида турк тилини тадқиқ этувчи тилшунос олимлар гуруҳи шаклланди.

Улар алифбо ҳамда имло муаммоларини ўрганиб, туркий тилларнинг грамматикасини тузишга киришди.

(Давоми 7-саҳифада).

БАРҲАЁТ СИЙМО

ОЗОДЛИККА ЎРНАТИЛГАН ҲАЙКАЛ



Биз буюк шоиру адибларни етиштирган, жаҳон эстетик тафаккури такомилида алоҳида ўрин тутувчи адабиёти бор миллатмиз. Адабиёти тараққий этган халқ жамият ҳаётининг бошқа барча соҳаларида ҳам юксалмоғи аён. Ана шу буюк адабиётнинг беназир вакили, жадидлик ҳаракати намояндаси, миллий озодлик учун курашга жону жаҳонини бағишлаган улуғ маърифатпарвар шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижоди бугун ҳаққоний баҳоланаётгани ҳам юқоридаги фикрларимизнинг амалдаги тасдиғидир.

(Давоми 4-саҳифада).

ФИКР, МУЛОҲАЗА, ТАКЛИФ



ТОМОШАБИН ТЕАТРГА НИМА УЧУН БОРАДИ?

Сўнгги ўн йилликда юртимизнинг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар юз берди. Жумладан, театр намояндаларига, танқидга муносабат, театрлардаги ички вазиятлар ҳам ўзгаришга юз тутди. Театрлар мафкурадан ҳоли бўлди, тақиқлар йўқ, ижодий ходимларга эркинлик берилди, пьесалар танлаш ва саҳнавий ифодаликни белгилашда эркинлик вужудга келди.

Бироқ вақт ўтиб маълум бўлдики, узоқ йиллар давомида қайси муаллифнинг асарлари қўйилиши кераклиги белгиланган репертуар асосида ишлаб келган театрларнинг ҳаммаси ҳам бундай янгиликларга тайёр эмас экан. Чунки ижодий жиҳатдан мустақил бўлган аксарият театрларнинг раҳбарияти танқидчиларни “душман” сифатида кўриб, уларнинг фикрларига беписанд муносабатда бўла бошлади.

Кейинги пайтда тез-тез қулоққа чалинаётган “Театр танқидчилари, уларнинг фикрлари, танқидий мулоҳазалари нега керак?” деган савол жавобсиз қолмоқда. Сабаби, бугун театрлар пул ишлаши, кассабоп маҳсулот ишлаб чиқариши керак. Ваҳоланки, бу спектакларнинг аксариятининг умри бир кунлик (ё бир пуллик)микан? Баъзи томошабинларга эса барибир, саҳнага нима чиқса кўраверишади (буям бир кўргилик). Хўш, театрга бундан бошқа яна нима керак? Бундай муносабатдан кўнгилда ғашлик туғилади. Театрга профессионал танқидни қандай қайтариш мумкин? Муайян спектаклнинг заиф томонларини кўра-била туриб, мақтов сўзларни айтишга виждон йўл қўймайди. Унда театрлар ишини фаоллаштиришнинг қандай йўли бор?

(Давоми 8-саҳифада).

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИСЛОМ:

МЎЪТАДИЛЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК

Бошланиши 1-саҳифада.

Шубҳасиз, “глобаллашув”нинг ижобий ва салбий томонлари мавжуд, лекин таъкидлашимиз керакки, унинг ижобий томонларидан салбий жиҳатлари кўпроқдир. Диний муассасаларнинг бу жараёндаги ижобий ва салбий томонларни баён этиб боришдаги фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Глобаллашув, аслида, ғарбий ва европалик кучларнинг ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий идеологияларини мажбурий равишда ўрнатадиган янги глобал тизим яратишини англатади, бу кучлар алоқа ва билим соҳасидаги инқилоблар билан кучайган.

Бугун мен “глобаллашув” тушунчаси ва унинг хавфли оқибатларини муҳокама қилмоқчи эмасман. Истардимки, доимий йиғилишларимиз мусулмон жамиятларини ҳақиқий тараққиёт ва уйғонишга йўналтириш учун самарали бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилса. Бу, менинг фикримча, фақат тўлиқ мустақил, инсонпарвар билимларни эгаллаш орқали амалга оширилади. Уларнинг тузилиши исломнинг асосий принципларига тўғри келиши шарти билан тарих ва маданиятни ўз ичига олиши лозим. Диний муассасаларнинг бурчи бугун мусулмон жамиятларини рағбатлантириш ва мазкур йўналишда янгиланишга эришишдир. Улар ҳақиқий уйғонишга ҳисса қўшадиган, тўғри диний нутқни янгилашга интилишлари даркор. Бу янгиланиш тўлиқ ва бирлашган бўлиши шарт ҳамда ислоҳот йўналишидаги глобал, инсоний, илмий ва ижтимоий мақсадга йўналмоғи зарур.

Шунингдек, диний муассасалар олдида тамаддунлараро мулоқот билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ва маданият арбобларини қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳам турибди. Улар цивилизациялар ўртасидаги алоқа ва ўзаро тушунишни осонлаштиришда энг муҳим боғланишлардан биридир. Ушбу тадқиқотчиларнинг асосий мақсади, жамиятларни умумий ғоялар ва принциплар бўйича келишувга тайёрлаш учун назарияларни мустаҳкамлаш керак, бу эса турли маданиятларга эга жамиятни тўлиқ низосиз ва тўқнашувларсиз яратишга ёрдам беради.

Азиз меҳмонлар!

Шахсиятни сақлаб қолиш “глобаллашув”нинг энг катта муаммоларидан биридир. Чунки глобаллашув диний, этник ёки тилга оид жамиятларнинг кимлигини ҳисобга олмайди ва ўзининг турли идеологияларини мажбурий равишда ўрнатишга ҳаракат қилади. Кўплаб ғарбий олимларнинг катта хатоси шундаки, улар “тамаддунлар тўқнашуви” идеологиясини ишлаб чиқиб, уни миллатлар ва халқлар устидан глобаллашувни ўрнатиш зарурияти сифатида кўришди. Шундай қилиб, глобаллашув тушунчасини назариядан амалий ҳаётга ўтказишга интилдилар, бу орқали ғарб кўплаб халқлар ва миллатлар устидан ўз маданиятини ўрнатишга муваффақ бўлди.

Шу ўринда таъкидлаймизки, шахсиятларни сақлаш урушлар ёки идеологик тўқнашувларни чақирмайди. Бир-биридан фарқли шахсиятлар, маданиятлар тинч ва хавфсиз бир жамиятда яшаши мумкин. Қуръони Каримда: *“Биз сизларни халқлар ва қабилалар қилиб яратдик, бир-биринғизни таниб олишингиз учун”* [Ҳужурат: 13] дейилади. Бу оятга кўра, Ислом фарқлилик ва хилма-хилликни тўқнашув ва можаро сабаби сифатида кўрмайди. Менимча, бу оят замирида танишув сўзининг оддий маъноси эмас, балки ҳақиқий ҳамкорлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик ва билим, маданият ҳамда тажрибаларни алмашиш мақсад қилинган. Буларнинг барчаси ер юзини ривожлантириш ва инсоният тараққиётига ҳисса қўшиш учун зарурдир. Бизнинг асосий мақсадимиз, ғарбий олимлар назардан қочирган энг катта хатони кўрсатишдан иборат:

Биринчидан, динларнинг маданиятлараро тотувлигини кучайтиришга бўлган тўғри муносабатни, замонавий илмий ҳамда технологик ютуқлардан тинчлик ва яхшилик тарқатишда фойдаланишни рағбатлантириш зарур.

Иккинчидан, Ислом уммати бошқа халқлар ва миллатлар билан иккиланишсиз, қўрқувсиз маданий танишувга, тушунишга ўтиши зарурлигини таъкидлайди. Шу билан биргаликда маърифий ва маданий қобиқдан чиқиб, дунёда ўз марказий ролини жанг ва урушларсиз қайта тиклашни истайди. Биз ўзимизга савол берамиз: қачонгача замонавий илмий кашфиётларни қўрқув билан кутамиз ва сўнгра уларни таҳлил қилиш учун йиғиламиз? Биз ушбу ҳолатдан ўтиб, инновация ва илмий ҳақиқатларни кашф этишда фаол ва бевосита ҳамкорлик қилиш зарурлигини тушунишимиз керак.

Азиз меҳмонлар!



Назир МУҲАММАД АЙЯД,
Миср Араб Республикаси Муфтийси,
Бутун дунё фатво кенгашлари ва идоралари бош котибият раҳбари

Бугунги кунда дунё тажрибавий ва табиий илм-фан тараққиётида бизнинг ролимиз қаерда? Қачон илмни фақат юзаки ўрганишдан чуқур фалсафий тадқиқотларга ўтамиз? Зеро, бугунги кунда илм фалсафаси зарур ва муҳимдир.

Мен кўплаб замонавий исломий тадқиқотларга ва илмий бўлимларимизга ачиниш ва ғамгин нигоҳ ила қарайман. Чунки улар ҳали ҳам анъанавий ва такрорий фикрларни ўрганмоқда. Ҳақиқатдан ажралган ва илмий методологиядан маҳрум кўплаб тадқиқотчилар ўз илм ва билимини аҳамияти йўқ ғояларни ўрганишга сарфламоқда. Ўз навбатида бошқа мамлакатлар бундай масалаларни енгиб ўтиб, инновация ва кашфиётда етакчига айланди. Ҳақиқат шуни кўрсатадики, куч иродаси билим иродасига боғлиқдир.

Азиз йиғилиш аъзолари!

Маданиятлараро алоқалар аслида Исломнинг чақирувидир ва бу “глобаллашув” тушунчаси билан чекланмайди. Лекин улар ўртасидаги фарқ шундаки, “глобализация” номаълум ғарбий кучлар томонидан мажбуран ўрнатилади ва жамиятлар ҳамда маданиятларнинг шахсийлигини бузади. Шунингдек, оддий инстинктларга қарши келувчи ғоя ва амалларни қабул қилади. Исломда эса аксинча. Қуръонда *“Динда ҳеч бир мажбурлик йўқ”* [Бақара сураси: 256] дейилгани бунинг далилидир. Ислом бошқа халқларнинг маданиятларини йўқ қилиш ёки уларни четга суриш мақсадида эмас, балки хилма-хиллик ва биргаликда тинч яшаш шароитида ҳуқуқларни сақлаб, мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда уларни ҳимоя қилиш учун мавжуддир. Тарихий ҳақиқат ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Ибн Баттута, ал-Истахри ва Ибн Ҳавқал каби саёҳатчилар қолдирган манбаларни ўрганиш бу жиҳатларни аниқ кўрсатади.

Агар бу аниқ бўлса, “глобаллашув” – маданият ва фикрнинг умуминсоний тамаддунда янги нарса эмаслигини англаймиз. У коммуникация инқилоби ёки капиталнинг кенгайиши билан юзага келмаган. Балки тарихий жараён сифатида мавжуддир. Маданиятлар ўртасида алоқалар, янги маданиятларнинг кашф этилиши ёки бир маданиятнинг бошқа бир мамлакатга кўчиши ва ўзини жойлаштириш ҳаракатлари бу жараённинг асосий кўринишларидир. Маданият турли таркибий қисмлардан иборат: дин, санъат, илм-фан, технология, урф-одатлар, ғоялар алмашинуви ва тажрибаларни баҳам кўриш. Шунинг учун “глобаллашув” тўғрисида тўхталиш нафақат ҳозир ёки келажак, балки ўтган вақт ҳақида гапириш ҳамдир.

Ҳурматли жаноблар!

Радикал гуруҳлар бугунги мусулмон оламида жиддий ва хатарли роль ўйнади. Улар умматнинг катта вақтини ўғирлаб, унинг маданий ва иқтисодий тараққиётини тўхтатишга уринишди. Шунингдек, жамиятлар тинчлигини бузишга ва умматнинг меҳнат билан қурилган иншоотларини йўқ қилишга ҳаракат қилди. Бунинг олдини олиш учун биздан уларга қарши курашиш ва уларнинг асоссиз даъволарини ошкор қилиш йўлида катта саъй-ҳаракатлар талаб қилинади.

“Миср ижтимоий устозлик маркази” сифатида биз давлат томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиб, тинчлик ва яхшилик йўлида фаол ҳамкорлик қилишга интилмоқдамиз. Биз мулоқот ва ҳамкорлик масалаларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва ушбу муҳим конференциядан келиб чиқадиган ҳар қандай ташаббусни тасдиқлаймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

МИЛЛИЙ ТАФАККУР

Бошланиши 1-саҳифада.

Ўша етти мингга яқин тиллардан бири бўлмиш ўзбек тили – ўзбек халқининг эҳтиромли ва эътиборли она тили мустақиллик шарофати билан бугун қарийб ўттиз етти миллионли Ўзбекистоннинг ўктам давлат тили сифатида ривожу равнақ йўлини тутган. Биз ана шу муаззам тарихий сананинг ўттиз беш йиллигини нишонлашдан чексиз сурур ва ҳузур туймоқдамиз.

Яқин тарихимизда “доҳий”нинг “Тил – кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир” қабилидаги қоидаси йўриғида тилни ўта жўн, оддий ва бирёқлама таъриф билан тавсифладик. Аслида, бу вазифа тилнинг вазифаларидан биргинаси эди, холос; бу таъриф муайян бир тилни бошқаси (айтайлик, хорижий) билан алмаштирганда ҳам бажарилавериши мумкин, деган қарашга йўл очар эди... Ҳолбуки, ҳар қандай шахснинг ирқу эътиқоди, замину замонидан қатъи назар, миллий-руҳий мағзини она тили тайин ва таъмин этади. Айтиш жоизки, айни шу миллий-руҳий мағиз мутлақо ўзига хос бир моҳият бўлиб, миллатнинг тафаккур тарзини, “идрок кўзи”ни қатъий белгилаб беради. Дунё файласуфлари томонидан минг йиллардан бери таъкидлаб келинаётган тил ва тафаккурнинг бирлиги тўғрисидаги қатъий қоиданинг асл маъноси ҳам шу. Рус тилининг машҳур изоҳли луғатини яратган Владимир Далнинг отаси – даниялик, онаси эса олмон аёли, унинг мана бундай эътирофи диққатга сазовор: “На майл-истак, на диний ишонч, на аждодлар қони инсоннинг у ёки бу халққа мансублигини тайин этади... Ким қайси тилда ўйласа, у ўша халққа мансубдир...” Ҳақиқат шуки, тил миллатнинг тамалини тайин этадиган, илигини соғлом сақлайдиган, асрлардан асрларга тўзғитмай олиб ўтадиган бетакрор қудратдир.

Маълумки, боланинг илк, тетапоя тил малакалари, демакки, дунёни миллий кўз билан идрок этиш тажрибалари оилада таркиб топади. Тил ҳақида ўйлаганимда, олмон тилшуноси Вильгельм фон Гумбольдтнинг “Тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турличалиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижасидир”, деган гапи ёдимга тушади. Чиндан ҳам, ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи, ўзига хос идрок интизоми, умумлаштириб айтганда, ўзига хос тафаккур тамойили бор. Бу ўринда яна аллома Вильгельм фон Гумбольдтнинг “Турли тиллар миллатлар учун уларнинг оригинал тафаккур ва оригинал идрок органлари эканлигини умумэътироф этилган ҳақиқат дейиш мумкин”, деган гапини ҳам эслаш жоиз. У тафаккурнинг умуман тил билан боғлиққина эмас, балки ҳар бир алоҳида конкрет тил билан шартланганлигини таъкидлайди. Гумбольдт ўзининг “Инсон тиллари тузилишининг фарқлари ва унинг инсоният маънавий тараққиётига таъсири ҳақида” номли йирик асарида “Тил фикрни яратувчи органдир. Ақлий фаолият ва тил яхлит бутунликни ташкил этади”, деб ёзган.

Мен она тилимизнинг, давлат тилининг мавқеи тушиб кетгани ҳақидаги фикрга унча қўшилмайман. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида бу йўналишда олиб борилаётган қамровли ишлар ва уларнинг нақд натижаларидан асло кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, сўнгги беш йилда амалга оширилган оқилона ишларнинг самараси барчамизнинг кўз ўнгимизда. Тўғри, она тилига, давлат тилига нописандлик билан қарашдай айрим номақбул ҳолатлар баъзи ёшлар орасида йўқ эмас. Уларнинг илдизлари, сабабларини, биринчи навбатда, оиладан излаган маъқул. Она тилига муҳаббат туйғуси қалбдан тугал жой олмоғи учун, энг авввало, ота-она, оила масъул эканлигини унутмаслик лозим. Бу беҳад масъул вазифани фақат мактабга ташлаб қўйиш ақлнинг иши эмас. Мазкур вазифа оилада амалга оширилмаса, кейин жуда кеч ва ҳеч бўлади. Чунки ҳар қандай тарбиянинг, айниқса, тил, маънавий комиллик, миллий ўзлик тарбиясининг бош ва бетакрор ўчоғи болани доимий ўраб турган ижтимоий муҳит, хусусан, оиладир.

Ўзбекча ҳикматлардан бирида мана бундай дейилган: “Қуш уясида кўрганини қилади”. Бошқача қилиб айтганда, қушнинг барча ҳаракату амалларига расолик бахш этмоқ учун, бу амалларнинг рисолага тамоман мослашмоғи учун, аввало, айни уяни ва ундаги ҳаракатларни рисолага солмоқ керак. Яна шу нарса ҳам аниққи, қуш уясида эшитганини айтади. Қарға боласининг ўз инида эшитиб қулоғига илгани ва тилига тиргак қилгани “ғақ-ғақ”дир, у бошқа, масалан, булбул ининиг доимий хушоҳанг саси бўлмиш “чаҳ-чаҳ”ни ҳеч бир замон тилида тирилтира олмайди. Қарғанинг “чаҳ-чаҳ” айлаши учун у ўз инида кўз очган дамданоқ шу сас унинг қулоғида ипакдек эшилмоғи зарур... Наинки қуш, одам боласи ҳам шундай. Зотан, мазкур нақл ҳам одам боласи учун айтилган, фақат топиб, кўнгил деган нозик хилқатнинг ғоят ингичка торчаларини титратмай айтилган. Фарзанд тарбиясида, боланинг тил тарбиясида уйнинг, яъни оиланинг мутлақ ҳал қилувчи омил эканлиги ҳақидаги бундай гўзал ва лўнда ҳикматлар кишилик жамиятининг бир неча минг йиллик тажрибалари маҳсули сифатида юзага келганлиги табиий... Кўп тилни билиш жуда яхши, бу бугунги даврнинг талаби. Фаранг маърифатпарвари Вольтер айтганидек “Кўп тилни билиш битта қулфга тушадиган бир неча калитга эга бўлиш билан баробардир”. Аммо хорижий тилни ўрганиш асло она тилини унутиш ҳисобига бўлмаслиги зарур. Оилада ҳам ажнабий тилнинг асосий бўлиши она тилида ҳали собит бўлмаган боланинг тилга бўлган муҳаббатини муаллақлаштиради, бундай ҳолларда ҳам сиз айтган она тилига нописандлик болалайди...



– Технологиялар шиддат билан ривожланиб, кўплаб касбларда инсон ўрнини ҳам техника эгаллаётган асрда яшаяпмиз. Замонавий технологиялар, сунъий интеллект каби соҳаларни ўрганмоқчи бўлсангиз, албатта, инглиз тилини билишингиз шарт. Бир пайтлар Эркин Воҳидов: “Тиллар йўқолур буткул, бир тил қолур дунёда”, дея қайғурганди. Нима деб ўйлайсиз, кун келиб дунё аҳли ягона тилга ўтмасмикан? Тараққиёт тилларнинг тақдирига нечоғли таъсир қилади?

– Замонавий илғор фан, техника, технологиялар билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи чет сўзлар, хусусан, инглиз (америка варианти) тили сўзлари жуда кўплаб тилларга кириб бормоқда. Японшунос Вадим Алпатовнинг қайд этишича, ҳатто бошқа тиллар таъсирига ўта ҳушёрлик билан қарайдиган бугунги японларнинг тилидаги компьютер техникасига оид терминологиянинг нақд 99 фоизи инглиз тилидан ўзлаштирилган сўзлардир. Аммо таъкидлаш лозимки, бу билан қадим ва бой тарихий илдизларга соҳиб бўлган япон тили ўз мустаҳкам ўзанларидан чиқиб кетгани йўқ. Бугунги глобаллашган дунёда тиллараро сўз эмас. Сиз айтганингиздай, “и” товушини битта ҳарф ифодалайди, лекин нутқимизда баъзан чўзиқ, баъзан қисқа талаффуз қилинади. Булар имло қоидаларида аниқ-тиниқ кўрсатилган. Алифбодан тўғри фойдаланиш йўлларини, табиийки, имло қоидалари белгилаб беради. Саводхонликни таъминлашда мукаммал имло қоидалари ҳал қилувчи омиллардандир. Саводхон бўлмаган жамиятнинг камолоти ва тараққиёти ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам алифбонинг имлоси масаласига алоҳида эътибор берилган. Етакчи тилшунослардан иборат махсус ишчи гуруҳи амалдаги имло қоидаларини яратиш устида жиддий иш олиб борган ва бундай қоидаларни ишлаб чиққанлар. Вазирлар Маҳкамаси 1995 йилнинг 24 августида “Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида” қарор қабул қилган. Албатта, мазкур қоидаларда янада такомиллаштириш мумкин бўлган ўринлар йўқ эмас. Бугунги кунда алифбога айрим ўзгартиришлар киритиш мўлжалланган, шу ўзгартиришлардан кейин алифбо асосида имло қоидалари янада тўлдирилиши кўзда тутилган.

– Тилимиз четдан кириб келган сўзлар, атамалар билан бойиб, ўз сўзларимиз унутилиб боряпти. Бу каби сўзларни тўғридан-тўғри ўзлаштирмасдан, луғат бойлигимизни уларнинг ўзбекча муқобили билан тўлдиришимиз керак эмасми? Бир неча йиллар олдин аэропорт ўрнига тайёрагоҳ каби сўзларни қўллаш таклиф қилинганди. Негадир, бу каби сўзлар истеъмолда қўлланилмади.

– Тилимизнинг бойиб боришидай муҳим ва зарурий жараёнда сўз ўзлаштиришда муайян меъёр ва чегара бўлиши, янги сўзлар ясашда ўзбек тилининг ўзига хос қонуниятларини назардан қочирмаслик, эски сўзларни “тирилтириш”да ва муҳташам захирамиз бўлмиш халқ шеваларидан фойдаланишда зийраклик зарур бўлади. Акс ҳолда бу борадаги ҳаракатлар ижобий натижаларга олиб келмайди. Масалан, 90-йилларнинг бошида *тайёра, тайёрагоҳ, куллиёт, таҳсилгоҳ, илмгоҳ, минбаргоҳ, ҳужжатасровхона* каби қанчадан-қанча сўзлар “топилди” ёки мутлақо сунъий бир тарзда ясалди ва истеъмолга тиқиштирилди. Аммо тил даҳоси уларни асло қабул қилмади. Эскирган сўзларни тиклаш ҳам тилимизнинг минг йиллик бой захираларидаги муайян қисмларни ҳаракатга келтириш, ишга солиш демакдир. Масалан, илгари “эскирган” деган тамға билан яшаган вазир (министр), вилоят (область), туман (район), жарроҳ, жарроҳлик (хирург, хирургия) каби бир қанча сўзлар тилимиздан жой олганига анча бўлди. Она тилига ўринсиз оталикни даъво қилиб бўлмайди. Она тилини бошқа тилларнинг тазйиқидан, сўз босқинидан асрамоқ керак, қўримоқ зарур.





Низомиддин МАҲМУДОВ,
филология фанлари
доктори, профессор

УСТУНИ

Биз истаймизми-йўқми, бир мамлакат тилидан бошқа тилларга у ёки бу зарурият туфайли сўз кираверади. Фан ва технологиядаги муайян кашфиётлар, ютуқлар, энг ками, шу кашфиётчининг исми ёки бошқа бирор шаклда ўзга тилларга кириш учун йўл топаверади. Замонлар оша шундай бўлиб келган. Бу ўринда биргина алгоритмнинг “Ал-Хоразмий” эканлигини ифтихор билан эслашнинг ўзи кифоя. Бугун ҳам шундай: “Мерседес”, “Самсунг”, “Сони” каби юзлаб муайян бир тилнинг сўзлари бутун дунё тилларига кириб бориб бўлган. *Ҳатто институт деган сўзни гўёки ўзбекча олийгоҳ билан алмаштиришнинг маъқул ёки маъқул эмаслиги ҳақида мутлақо кераксиз баҳс-мунозаралар авж олган пайтда маркетинг, менежер, брокер, бартер* каби ўзбекча учун мутлақо янги сўзлар тилга кириб келиб бўлди...

– Тилимизни академик тил, билимлар тилига айлантириш, уни кенгроқ ёйиш учун амалда нималар қилиниши зарур деб ҳисоблайсиз?

– Тилимиз академик тил сифатида мунтазам такомил топиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда ўзбек тили деярли барча фан йўналишларида қамровли тарзда қўлланмоқда. Албатта, ҳар қандай фанни ўрганиш, ўзлаштириш учун унинг алифбосидан – терминологиясидан хабардорлик зарур бўлади. Маълумки, фаннинг катта-кичик асосий тушунчалари бевосита терминлар орқали ифодаланади. Терминлар ҳар қандай фан тилининг асосини ташкил этиши ҳақидаги қоида бугун аксиома мақомини олиб бўлган. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар ҳақли равишда “фан тили муаммоси, энг аввало, терминологик муаммо сифатида қаралмоғи лозим” эканлигини таъкидлайдилар.

Тилда лингвомаданий жиҳатларнинг муқаррар равишда мавжудлиги антропоцентрик тилшунослик бағрида пайдо бўлган лингвомаданиятшунослик йўналишининг тўғри ва эътироф этилган ғояларидан биридир. Тилнинг ўзига хос, махсус бирлиги бўлмиш терминларда, айниқса, гуманитар фанлар терминосистемаларида лингвомаданий унсурнинг бўлмаслиги мумкин эмас. Чунки гуманитар фанлар халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа хусусиятларини акс эттиради. Табиий ва аниқ фанлар эса инсонга тобе бўлмаган, объектив ҳодисаларни ўрганади. Шунга кўра уларни номловчи термин асосида ётган илмий тушунча лингвомаданий белгига эга эмаслиги билан характерланади. Аммо ҳатто айрим техник терминлар ҳам механизм (асбоб, қурол кабилар)ни ишлатишдаги миллий ўзига хосликни акс эттирувчи лингвомаданий ахборотни ўз ичига олиши мумкин, деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд.

Бу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, гуманитар фанларнинг тили, хусусан, унинг терминосистемалари миллий-маданий менталликдан, эмоционал-экспрессивликдан тамоман холи бўлолмайди. Бошқача айтганда, гуманитар фанларнинг тили табиий ва аниқ фанлар тилларидан фарқли равишда қуруқ, “эгасиз” бўлмаслиги керак. Гуманитар фанлар тилида ҳар бир табиий тилнинг ўзига хос бойлиги, таъсирчанлиги, “иссиқ”лиги тажассумини топмоғи мақсадга мувофиқ. Гуманитар фанларнинг аксарияти табиий фанлардан фарқли равишда фақат тор доирадаги мутахассисларгагина эмас, балки анчайин кенг оммага ҳам қаратилганлигини унутмаслик лозим. Ўзбекистонда фан тили ана шу ўзанларда ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимизда нашр этилаётган турли фан соҳаларига оид кўплаб терминологик (атамалар) луғатларни мамнуният билан тилга олиш мумкин. Зотан, бундай луғатлар фаннинг ҳам, тилнинг ҳам ўзига хос тараққиёт даражасини кўрсатади... Дангал айтиш жоизки, ҳар қандай тил, хусусан, ўзбек тили ақлий ва маънавий тадриж дунёсининг, миллий тафаккур ва тахайюл оламининг бикир ва буюк устунидир.

Гапим якунида, барчани Ўзбек тили байрами куни билан чин дилдан табриклайман!

– Байрам сизга ҳам муборак бўлсин! Мазмунли ва фойдали суҳбат учун ташаккур.

Муяссар ИБРОҲИМОВА
суҳбатлашди.

ФОРУМ

МАХТУМҚУЛИ – БАШАРИЯТ ШОИРИ



Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Махтумқули таваллудининг 300 йиллигига бағишланган “Даврлар ва цивилизацияларнинг ўзаро алоқаси – тинчлик ва тараққиёт асоси” номли халқаро форумда ўндан ошиқ давлатдан нуфузли меҳмонлар иштирок этди. Тўғриси, меҳмонларнинг дил сўзлари ва улуғ шоирга ҳурматидан, айни дамда, мезбонлардаги байрамона кайфият ва уларнинг самимиятидан барчанинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

ХАЛҚАРО ФОРУМ

Туркманистон Президенти қарори билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллиги” эсдалик медали билан тақдирланди. Мазкур нуфузли Форумда қатнашган турли республика Президентлари ўз она тилларида нутқ сўзлади. Мен иштирокчи сифатида давлатимиз раҳбари нутқини диққат билан тингладим: **“Махтумқули ўзбек халқи учун ҳам ғоят ардоқли ва суюкли сиймо экани билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Ул зот Хивадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олган, дунёвий ва диний илмларни чуқур ўрганган. Айни вақтда у буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини юксак қадрлагани ҳам муштарак тарихимиз саҳифалари орқали яхши маълум.**

Бугунги кунда ўлкамизда Махтумқулининг дилбар шеърлари ва қўшиқлари доимо янграб, қалбларимизда яшаб келмоқда. Ҳеч шубҳасиз, унинг боқий асарлари азалдан бир-бирига қардош ва елкадош бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда”. Президентнинг бу самимий фикрлари, хусусан, шоирнинг Хивада таълим олгани, ҳазрат Алишер Навоийни ўзига устоз билгани ҳақидаги тарихий ҳақиқат анжуман аҳлини бефарқ қолдирмади, назаримда.

Дунё тамаддунига улкан маънавий-маърифий улуш қўшган муаззам шахсиятлар шунчаки, ўз-ўзидан дунёга келмайди. Илдизлари, анъаналари, гени, истеъдоди, ўзининг меҳнат-машаққати ортидан орттирган билим ва тажрибалари уларни ер юзида башариятнинг бамисоли зулматни ёритувчи порлоқ юлдузига айлантиради. Халқаро анжуман кунлари “Ваъзи Озод”, “Беҳиштнома”, “Маснавий”, қатор ғазал ва рубоийлар ёзган шоирнинг отаси – Давлатмамат Озодий ҳам кўп тилга олинди. Ота ҳақидаги маълумот ва тавсифларни тақдим этадиган энг яхши манба – бу шубҳасиз, Махтумқулининг шеърларидир. Шоирнинг отасига эҳтироми балқиб турган “Мулла Озодим”, “Отамнинг”, “Озодим қани?” сингари қатор шеърлари бор.

“Мулла Озодим” шеърида ота шуҳратини “Овози жумла жаҳонга тўлди”, деб ёзади. Махтумқули бошқа бир – “Ўғлим – Озодим” айтишув шеърида отасидан илм олиш учун сафарга кетишни сўрайди. Отаси дуо бериб, оқ йўл тилайди. “Ҳақ йўлдошинг бўлсин, майли, бор, ўғлим!” Отанинг ризолиги ҳар нарсадан улуғ. Ота-бола ўртасидаги бундай муносабат ораста шарқона одоб-ахлоқларга амалнинг яққол намунасидир.

Тасаввур қилинг, Махтумқули сафарга кетар маҳали отасидан рухсат сўраб, дуо олиб йўлга чиқади. Таълим олгандан кейин отасининг имтиҳонидан ўтади. Вафот этганида марсия ёзади. Махтумқули “кўзининг нури” бўлмиш отасини соғинганда ёзган ҳиссиётли мисралари ҳар қандай одам юрагини титроққа солади. Давлатмамат Озодийнинг ижодий мероси, комил қарашлари, асарларининг умумбашарий моҳияти Махтумқули сув ичган зилол булоқларни, дунёқарашини шакллантирган ва унга маънавий озуқа берган муҳитни тасаввур қилишга ёрдам беради. Қолаверса, Махтумқулидек бир даҳо исломий маърифат билан бутун вужуди лиммо-лим тўлган шоирнинг дунёга келиши сабаблари устида ўйлайди одам. Ҳалол луқма, теран таълим-тарбия, ҳақгўй устозлар, жиддий мушоҳада, юксак одамийлик – буларнинг барча-барчаси жамулжам бўлган бир вазият Махтумқули даҳосини тарих саҳнасига олиб чиқди...

Хивадаги Шерғозихон мадрасасида ўқиган Махтумқули бу даргоҳда кўплаб дўстлар орттирди. Улкан маданият, маърифат маркази бўлган бу муаззам шаҳарнинг маънавий муҳити Махтумқулининг адабий-эстетик диди, дунёқараши шаклланишига, чинакам шоир бўлиб етишувига жуда катта таъсир кўрсатди. Шу боис табаррук таълим масканига қараб “Хуш қол, гўзал “Шерғози” деган шеърини ёзди шоир:

Макон айлаб, уч йил едим тузингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал “Шерғози!”
Ўтказдим қишингни, наврўз, ёзингни,
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал “Шерғози!”

Тошнинг, ғиштнинг, бинонинг тили йўқ, жони йўқ. Бироқ шоирлар тилсиз-забонсиз объектлар билан “гурунг”лашиши, уларни жонлантириши мумкин бемалол. Назаримда, Хивадаги Шерғози мадрасаси айнан Махтумқули шеъри туфайли ҳали-ҳануз тирик ва жонли. Шу кунга довур мадрасанинг маҳобатли биноси ҳар бир зиёратчига нафақат ғаройиб тарихи ва ёки меъморини, балки уч юз йилга яқин вақт нарида қойилмақом қилиб шеърий васфини ёзиб қолдирган Махтумқулидек содиқ ва собиқ талабасини ҳам такрор ва такрор эслатиб туради.

ҚАРДОШЛИК САОДАТИ

Махтумқули шахси ва адабий сиймосининг жуда кўп қирралари, хусусан, шоирнинг илм олиши, ўзбек шоирларини ўзига устоз билгани, дўстлар орттиргани каби кўплаб жиҳатлари, Республика Президенти ўз нутқида таъкидлаганидек, Ўзбекистон билан боғлиқ, албатта.

Махтумқули ижоди билан Ўзбекистон маънавий муҳити ўртасида мустаҳкам ришталар бор. Зеро, шоир таваллудининг 300 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, мамлакатнинг қатор олий ўқув юртларида, турли нуфузли ташкилотларда кўплаб байрамона тадбирлар, илмий-адабий анжуманлар ташкил этилди. Бу тадбирларда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ташкилотчи ва маърузачи сифатида фаол қатнашганидан хабарим бор. Шоирнинг хизматлари Туркманистон Республикаси ҳукумати томонидан эътироф этилди ва у “Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллиги” эсдалик медали билан тақдирланди. Мукофот тақдимотида мамнуният билан сўзлар экан, Сирожиддин Саййид ўзининг махтумқулиёна пафосли “Ўзбек, туркман манзумаси”ни ўқий бошлади. Шеърда қон-қардош, дўст-биродар, қадимдан қуда-анда бўлган ўзбек билан туркман миллати табиатига хос гўзал фазилатлар баён этилади:

Оламни лол этган ҳайрати бордир,
Саодати бордир, санъати бордир.
Кетмас бўлиб келган давлати бордир,
Давру давронлари ўзбек, туркманнинг...

– шу тарзда шеър туганчига етганида мажлис аҳли шоирни олқишлашди.

УЛУҒВОР ЭЪТИРОФ

Форумга хориждан келган меҳмонлар – туркиялик, қозоғистонлик, қирғизистонлик, россиялик, арманистонлик, эронлик махтумқулишунос ва мутаржимларнинг айримлари билан аввалдан танишлигимиз бор. Улар улуғ туркман шоирига эҳтиромини ўз тилларида ёзган рисола ва мақолаларида баён қилган, шу билан бирга шоир шеърларини ўз она тилларига таржима қилиб, табиийки, Махтумқули шеъриятининг дунё бўйлаб ёйилишига ўз ҳиссасини қўшган.

Қирғизистон Фанлар академияси академиги, адабиётшунос Абдуллажон Аҳматалиев Махтумқулининг шеърияти ва шон-шуҳрати хусусида гапирганида Чингиз Айтматовнинг: “Шарқда XVIII аср Махтумқули Фироғий асридир... Махтумқули сўзлари бизнинг кунларгача етиб келиши – бу туркман халқининг жасоратидир. Махтумқулини ҳар бир туркман ўз юрагида авайлаб сақлади” ҳамда “Махтумқулининг бизга қолдирган мероси халқчиллиги ва ҳаётийлиги учун қимматли”, деган фикрларига урғу берди. Улуғларнинг улуғларни эътироф этган сўзлари ҳам улуғвор бўлади.

Бир неча йилдан бери Анқарада ишлаётган таниқли туркман олими Берди Сариев муҳим бир гапни айтди: “Шоирга жон қўшнимиз, илдизимиз, урф-одатларимиз бир бўлган ўзбеклар диёрининг эҳтироми ўзгача. Биламан, улар Махтумқули шеърларини жуда яхши кўришади. Ўзбекларнинг бағрикенглигини ҳурмат қиламан. Дунё ўзбек зиёлиларидан кўп нарсаларни ўрганиши лозим...” Бу гаплардан ғурурландим. Ҳақиқатан, ўзбек олимлари Махтумқули ижодини жиддий ўрганди, диссертациялар, рисолалар, улкан монографиялар ёзишди. Шу билан бирга Махтумқули шеърларини замонавий ўзбек тилига мослаштириб ўгирганлар – мутаржимларнинг улкан бир рўйхати пайдо бўлди.

Махтумқулидан қолган мерос қиймати шундаки, адабий-назарий томондан жуда кўп масалаларга, жумбоқларга ечим бера олади. Шеърнинг ҳикматона табиати, шакли, оҳанги ва инсон қалбига йўл топиши каби хусусиятлар – булар Махтумқулидан қолган бадиий меросда жамулжамдир.

Илмий-назарий жиҳатдан қаралса, аслида, шеър монологик нутқ асосига қурилган кечинма, ҳис-туйғулар ифодаси саналади. Шоир арзи ҳолини бамисоли ўзи-ўзига сўзлаб, юрагини бўшатади. Агар бу индивидуал ҳиссиётнинг поэтик баёни бошқалар қалбидан жой олса, албатта, завқ пайдо бўлади; умумбашарий моҳиятга эга бундай шеърларнинг умри асрлар чегарасидан ошади.

“МОҲИЯТИ НИМА ДУНЁНИНГ?”

Махтумқули ёзганларини ўқиб, шеър табиатига хос муҳим жиҳатга урғу бериш зарурга ўхшаб кўринади. Назаримда, шоир адабий меросида шеърнинг диалогик табиатини намоён этадиган кўплаб мисоллар топилади. Махтумқули шеъриятидаги бу хусусиятни бўрттириб кўрсатиш билан адабиётшуносликдаги илмий-назарий фикрлар кўламини кенгайтириш мумкин.

Аслида шеърнинг диалогик табиати фольклорда, мумтоз адабиётда бор ҳодиса. Махтумқули бу шеърий шаклдан жуда унумли фойдаланди. Шоирнинг отаси Озодий билан шеърий суҳбати, “Биздан салом бўлсин ул Ўроз Хонга”, “Турди шоир билан Махтумқули айтишуви”, “Махтумқули билан Зунубий айтишуви”, “Тургил!” дедилар!..”, “Бир неча мисол” каби шеърларида шу хусусият аниқ-тиниқ кўзга ташланади.

Дедим: “Моҳияти нима дунёнинг?”
Деди: “Ётсанг тушу, уйғонсанг хаёл”.

Дедим: “Қачонгача нафсим бўлар ром?”
“Таъзирин егунча чўзилар бу ҳол”.

Махтумқули сўзи дурдир билганга,
Ақлу ҳушинг бўлса, унга қулоқ сол.

Сўзлари марварид-дур бўлган донишманд, мутафаккир шоир Махтумқули Фироғийга бағишланган халқаро анжуман кунлари асрлар чегарасидан шитоб билан ўтиб келаётган истеъдод эгасининг ижодий биографияси, куч-қуввати, қудрати ва уч юз йиллик умри ҳақида кўп ўйладим.

Махтумқулининг дилини, кўнгил дардини тушуниш-ни истадим. Шоир: “Кел, кўнглим, мен сенга насиҳат қилай”, деб ўзига мурожаат этади. Зотан, ички, кўнгил эса тўхтовсиз эврилади, қайнайди, ўзгаради, сокин тортади. Гоҳида насиҳатни эшитади, баъзан ўз хоҳиш йўлидан юради. Аслида, кўнгил поклиги ва хотиржамлиги – инсон учун бебаҳо саодат.

Махтумқули шеърларида кўнгил тилга кириб сўзлайди: “Кўнгил айтар: сайр этиб, олам-жаҳонни кўрсам”, “Кўнгил дер: халқдан узилиб, Кезсам тоғу тошлар билан” ёки “Кўнгил айтар: йўлдош бўлсам, Оҳ урган дарвешлар билан”. Бундай мисраларда кўнгил моддийлашади, шоирнинг сўзлаётган тилига эврилади. Баъзида лирик қаҳрамон кўнгил майли, маънавий-руҳий кайфияти дарвешлар даврасини ҳам қўмсайди. Дунё моҳиятини чуқур англаган одам ёлғизликни, дарвешона ҳаётни, Яратган билан ёлғиз қолишни истаб қолади. Гоҳида сиқилган инсон кўнглига қил сиғмайди. Баъзан кўнгилга коинот, борлиқ жойланади.

Кўнгил ройишига, сайру сулукига чегара-сарҳад йўқдир. Махтумқули кўнгилни қалъа-шаҳарга ўхшатади. Барча яхши биладиган Дурди шоир билан айтишувида “У нимадир дарвозасиз қалъадир”, деган саволга “У кўнгилдир дарвозасиз қалъадир”, деган жавоб берилади. Дарвозасиз қалъа қўрғонланмаган, қўриқланмаган жой. Кўнгилни эгаси қўриқлаши, қўрғонлаши мумкин. Кўнгил ўзининг барча сифатлари билан бадиий адабиётнинг, шеъриятнинг абадий мавзуси. Чин шоир кўнгил кўзи очиқ инсон бўлгани учун ҳам ардоққа муносиб, албатта.

300 ЁШЛИ МЕЗБОН

Тўғриси, Махтумқули Фироғийнинг инсониятга тақдим этган бебаҳо адабий мероси асос-негизини бир сўз билан ифодалаш қийин. Қисқа ифода лозим бўлса, “Махтумқули – башарият шоири” демоқ ўринлидир балки. Бироқ бу таъбирдан кейин ҳам яна бошқа тавсифлар хаёлга ёғилиб келаверади. Зиддиятли ва қоришиқ туйғулар гирдобини гоҳида шоирлар битта ҳаққоний фикр ўзанига солиб беришади. Махтумқули шеърларида бутун замин аҳли камолоти учун зарур бўлган жуда кўплаб ўгитли, одамнинг гўзал ҳис-туйғулари тарбиясига бағишланган бутун бошли шеърлар бор. Уларда тинчлик, хотиржамлик, бирдамлик, кўнгил ободлиги, дунёнинг моддий ва маънавий ҳоли бадиий талқин этилади. “Ёмон яхши бўлмас ҳеч он, Асли яхши бўлмас ёмон...”, “Ўғри эрдан бир тўғри ит яхши”, “Ҳалол луқма нур бағишлар кўзларга”, “Комил мард йигитлар ҳақингни емас, Дунё молин берсанг, номардлар тўймас” каби ҳикматли мисралар аллақачон халқнинг маънавий мулкига айланди.

Яхшига назар ва ёмондан ҳазар, ҳалоллик, тўғрилик, мардлик, саховат ва шу каби ахлоқий-маънавий фазилатлар поэтик талқин этилган шеърларнинг умри узун бўлади.

Умид узгил хом хаёлдан,
Сенга фойда йўқдир молдан,
Турмушинг кечса ҳалолдан,
Орифлар суҳбати керак.

Махтумқули аслида ориф шоир. Орифлик эса баланд мартаба. Маърифат сўзининг қадрини билган ҳар ким ундан ибрат олади. Шоир айтмоқчи фақатгина “ориф қадрин билмас бефаҳм нодонлар”.

Махтумқулининг шеърий сўзи замонлар ўтган сари маҳобат касб этади. “Фикр дарёсига ақлим кемасин ботирмишман”, деб ёзган шоирнинг фикри, фаҳми, юрак сўзи бугун уммонга дўнди. Шунинг учун ҳам “Махтумқули Фироғий фаҳму ҳикмат уммони” деган бир жумла халқаро форумда жуда кўп бора такрорланди. Бу бебаҳо хазинали уммондан сўз шайдолари асрлар бўйи дур-жавҳар теришади, уларни маржондек ипга тизишади; шоир шеърларини такрор ўқишади ва уқишади.

Махтумқули ижодини уқиб ўқиган шоирлар, тўғриси, олим, мутафаккир бўлади. Айни дамда Махтумқулининг шеърлари ҳар қандай одамга, илм аҳлига ҳам илҳом беради. Шунда юрак тўлқинлари беихтиёр шеърга кўчади.

Дейлик:

Махтумқули – руҳи-жони туркманнинг,
Томирида оқар қони туркманнинг.

Махтумқули – дил котиби туркманнинг,
Одамзотга Ҳақ хотиби туркманнинг.

Махтумқули – ишқ фунуни туркманнинг,
Лайли-Лайли, о, Мажнуни туркманнинг.

Махтумқули – кўнгил шарҳи туркманнинг,
Оламкўшар – Ғарбу Шарқи туркманнинг.

Махтумқули – сарбонидир туркманнинг,
Уч юз ёшли мезбонидир туркманнинг...

– мисралари каби.

Шоир таваллудининг 300 йиллигига бағишланган халқаро форумда дунёнинг турли мамлакатларидан келган зиёлилар “Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллиги” эсдалик медали билан тақдирланишди.

Оқилдор шоир ижодининг муҳиби ва мухлиси сифатида шу тақдирланганлар қаторида мен ҳам борман.

Тўғриси, бундай эътироф ва эътибордан мамнун бўлдим.

Баҳодир КАРИМ

2024-yil 18-oktyabr
№ 43(43)

ОЗОДЛИККА ЎРНАТИЛГАН ҲАЙКАЛ

Бошланиши 1-саҳифада.





Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида эзгу бир ташаббусни илгари сурган эди: **“Фурқат 50 йиллик қисқа умри давомида моҳир публицист, тадқиқотчи, жаҳонгашта олим сифатида ноёб истеъдодини намоён этган. Унинг бундан кейинги фожиали ҳаёти, мусофирликда қолиб, Ватанни соғиниб яшагани ҳам сизларга яхши маълум. Фурқат – Фарғона жадидларининг маънавий отаси бўлган. Мана, биз юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳеч шубҳасиз, агар мустамлака тузумининг қатағон сиёсати бўлмаганида, ушбу Ренессансни маърифатпарвар жадид боболаримиз яратган бўлар эди”.**

Юртбошимиз Зокиржон Фурқатнинг Ватан ва миллат олдидаги буюк хизматларини инобатга олиб, унинг ижодини янада кенг оммалаштириш, жумладан, Қўқон шаҳри марказидаги Фурқат боғида шоирнинг ҳайкалини ўрнатиш таклифини билдирганди. Ана шу эзгу ташаббус амалга ошиб, тарихий Хўқанди латиф марказида улуғ шоир ҳайкали қад ростлагани, Хитойнинг Шинжон вилояти Ёркент шаҳридаги Фурқат қабридан бир ҳовуч хок келтирилиб, Шайхон қабристонида рамзий қабри барпо этилишини тарихий воқеа сифатида таъкидлаш мумкин.

Ўзбек миллий уйғониш адабиётини Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ижодий меросидан айри тасаввур этиш маҳол. Чунки миллий ўзликни англаш, Ватан ва миллатнинг истибдод исканжасидан халос бўлиши, эрк ва озодлик ғоялари унинг асарлари моҳиятини белгилаган. Фақат бугина эмас, шоир ўзи мансуб халқнинг замона аҳволидан огоҳ бўлмоғини, жаҳолат уйқусидан уйғонмоғини, маърифатдан баҳра олмоғини орзу қилди. Русия гимназияси ҳақида шеър ёзар экан, миллат болаларининг шу сингари замонавий таълим масканларида ўқишини истади. Виставкани, театрни васф этар экан, шундай маданий ҳодисаларсиз тараққий этиш имконсиз эканини англади ва англатмоққа уринди. Аниқроқ айтганда, ҳар бир ишда Ватан ва миллат манфаатини устувор билди.

Шоирнинг хорижга кетиш ва юртга қайта олмаслик сабаблари шу пайтгача турлича талқин этилган. Бу ҳақда ҳеч қандай асоссиз, ҳужжат-далилсиз ҳар хил тахмину гумонлар ҳам билдирилган. Архив ҳужжатлари ва мавжуд манбалар тадқиқи Фурқатнинг чет элга кетишининг икки сабаби бўлганини кўрсатади: биринчиси, шоирнинг ўша кездаги мустамлака сиёсатини очиқдан-очиқ қоралаб асарлар ёзгани; иккинчиси, Фурқат маърифатпарварлик фаолиятининг Ватан ва миллат манфаатларига асосланган.

Чор истибдоди Туркистон халқлари ҳаётининг барча – сиёсий, иқтисодий ва маънавий жабҳаларини бирдай исканжага олгани маълум. Табиийки, миллатпарвар зиёлилар, жумладан Фурқат ҳам бунга бефарқ қараган эмас. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи фондида 7050-рақами билан сақланаётган “Шарҳи рисолат уш-шамсия” асари қўлёзмасининг ҳошиясига битилган “Муножоти мусаддас” асари бунинг ёрқин далилидир. Ҳажман салмоқли, 108 мисрадан иборат мазкур мусаддасда шоир бундай ёзган эди:

Зулматни гирдбоди тегди, қуюнда қолдук,
Тўфони ҳайрат, эйки, ғарқи жунунда қолдук,
Ғафлат ила ўтуб умр, кулгу-ўйунда қолдук,
Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,
Раҳм айлағил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга.

Фурқат “Зулмат гирдбоди, қуюн, тўфони ҳайрат, ғарқи жунун” каби тимсоллар, “Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук” образли тасвири воситасида мустамлака сиёсатининг моҳиятини фош этади. Зеро, бу истибдод сиёсати миллат ҳаётининг барча жабҳаларини бирдай асоратга олгани, миллий истиқлолга, нурли истиқболга элтадиган барча йўлларнинг батамом тўсиб қўйилгани бугун ҳеч кимга сир эмас.

Истилочиларнинг мустабид сиёсатини бутун моҳияти билан фош қилиш, миллатни огоҳ этишга бўлган интилиши, жабру зулмга, адолатсизликка бўлган нафрат Фурқатнинг бошқа асарларида ҳам акс этган. Жумладан, “Бўлди” радифли мухаммасида шоир мана бундай ёзади:

Баҳор айёми ўтти, на гулу сарву суман қолди –
Ки, булбул бирла қумри ўрнига зоғу заған қолди,
На жоми марғ ичмай лолаи хунинг, кафан қолди,
Чаманлардин нишон ҳеч қолмади, илло тикан қолди,
Зимистони ажални бодидин бори хазон бўлди.

Баҳор – тараққиёт рамзи. Шоирнинг ёзишича, у ўтиб бўлган. Шунинг учун ҳам булбул бирла қумри ўрнини зоғу заған эгаллаган. Бу – юрт истибдод исканжасида қолганига ишора. Ажал зимистони – истибдод тимсоли. У бор мавжудликни хазонга айлантирган. Бинобарин, ажал зимистони – истибдод сиёсати боис миллий анъаналар топталиб, миллат бошига қора кунлар тушган, унинг ҳуқуқи, эрки поймол этилган.

Юмуб кўзни, қадамни мардлар сори адам қўйди,
Вафосиз даҳр аларни жониға токи алам қўйди,
Ажал фарзанди одамни жаҳон мулкида кам қўйди,
Мингу уч юз биринчиға сана токим қадам қўйди,
Ҳамани эмди кўз тутгони бир Соҳибқирон бўлди.

Адам – йўқлик, демакдир. Бу мисрада мардлар, яъни миллат зиёлиларининг қатағон гирдобига ташланганига ишора этяпти шоир. Натижа шундай бўлдики, “Ажал фарзанди одамни жаҳон мулкида кам қўйди”. Яъни, бу ҳол оммавий тус олди.

Кейинги мисрада шоир таърих санъатининг сариҳ усулини қўллаш орқали бу фожиалар рўй берган санани ҳам очиқ ёзади: “Мингу уч юз биринчиға сана токим қадам қўйди”. Ҳижрий 1301 йил милодий 1883-1884 йилларга тўғри келади. Демак, босқиннинг авж палласи ҳақида гап кетяпти. Бу, ўз навбатида, мухаммас ёзилган санани ҳам билдиради. Бешинчи мисрада янада аҳамиятли фикр ифодаланган: “Ҳамани эмди кўз тутгони бир Соҳибқирон бўлди”. Дарҳақиқат, миллат бу пайтда Соҳибқирон Амир Темурдек йўлбошчига муҳтож эди. Юртни мўғуллар зулмидан озод қилган Соҳибқирон – миллий озодлик тимсоли. Шунинг учун ҳам шоир миллатга унингдек бир раҳнамо келишини орзу қилади. Кўриниб турибдики, шеърда озодликка, миллий истиқлолга интилиш туйғуси чуқур дард, бетакрор бадиият билан ифодаланган. Бу туйғу баъзан очиқча, айрим ҳолларда эса мисралар тагматнида акс этгани кузатилади.

Кейинги изланишлар натижасида аниқлаганимиз – шоирнинг шу пайтгача маълум бўлмаган “Бегим” радифли дастхат шеъри ҳам бу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Ғазал матни бир варақ фабрика қоғозига бинафшаранг сиёҳда шикаста аралаш настаълиқ хатида кўчирилган. Варақнинг ўнг томонида матнни ўқишга халал бермайдиган доғ бор. Ушбу 17 байтли шеър 1889–1891 йилларда, Фурқат Тошкентда яшаган даврда ёзилган. Дастхат XIX аср хаттотлик санъатининг нодир намунаси сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Ғазалдан олинган қуйидаги мисралар шоирнинг мустамлака сиёсатига бўлган муросасиз муносабатига далил бўла олади:

Шўъбада изҳор этиб ногоҳ чархи ҳийласоз,
Бошлади афсун ила макру дағосидин, бегим.
Ғунчаи давлатни гул янглиғ паришон айлади,
Тундбоди ҳодисоти можаросидин, бегим.
Охируламр ҳукумат гулшани бўлди хазон,
Келди зоғу қолди булбуллар навосидин, бегим.

Мазкур байтларда юртнинг тараққиёт қуёши сўниб, таназзул шоми бошлангани сўнгсиз ҳасрат билан ифодаланган. Чархи ҳийласознинг афсун ила макру дағоси – ўша кезлари мамлакатда кечган фитна-фасодлар, инқироз жараёни тимсоли. Натижада “...ғунчаи давлат гул янглиғ паришон бўлган. Ҳукумат гулшани хазонга айланган”. Зоғлар келиши билан булбуллар навоси тинган. Бинобарин, булбул боғда сайрайди. Зоғнинг макони эса – вайрона. Мустамлакадаги Туркистоннинг аянчли аҳволини Фурқатгача ҳеч қайси шоир бунчалик таъсирли ифодалай олган эмас.

Шоир миллат дардини чуқур ҳис қилган, кўнгил изтиробларини қуйма мисралар орқали баён этган. Шеър дуо мазмунида битилган қуйидаги байтлар билан якунланади:

Жонсипору қадрдонлиғдин бежуз бир туҳфа йўқ,
Ҳазратингға Фурқатий холис дуосидин, бегим:
Сояи Тангри насиб этгай санинг бошингга ҳам,
Зойил ўлмас бобақо давлат ҳумосидин, бегим.

Яъни шоир шеърни хайрли дуо билан якунлаган. Миллат ўша кезда маҳрум бўлган Тангрининг сояси – давлатчиликнинг барҳам топиши вақтинчаликдир. Унинг бошига давлатнинг ҳумо қуши, албатта, қўнажакдир. Фурқат яшаган тарихий вазиятда, ўша ижтимоий муҳитда бундай фикрни ифодалаш чинакам жасорат эди.

Мазкур асарлар ёзилган саналар (“Муножоти мусаддас” 1879 йили, “Бўлди” радифли мухаммас 1885 йили, “Бегим” радифли ғазали 1890 йили ёзилган) кўрсатиб турибдики, шоирнинг мустамлака сиёсатига бўлган муносабати йиллар ўтиши билан ҳам ўзгармаган. Фақат истибдодни қоралаш руҳи дастлабки асарларда очиқроқ акс этган бўлса, кейингиларида кўпроқ образ ва тимсоллар замирида ифодаланган. Табиийки, мустабид сиёсатни қораловчи, фош этувчи бундай асарлар мустамлака маъмурияти манфаатларига зид эди. Бу эса мазкур ҳукумат шоирдан қутулиш учун уни мамлакат ҳудудидан чиқариб юборишнинг барча чораларини кўрган, бир сўз билан айтганда, Фурқатнинг хорижга кетиши ва она юртга қайтмаслиги масаласи генерал-губернаторлик томонидан режали асосда махсус уюштирилган, деб ҳисоблаш учун етарли асос беради.

Фурқат мураккаб ва зиддиятли даврда яшаб ижод қилди. Ўз асарлари орқали илмнинг, маърифатнинг беқиёс аҳамиятини алоҳида таъкидлади, илму маърифатга миллатни муқаррар таназзулдан қутқарувчи ягона восита, “кўнгулларни сурури, кўрар кўзларни нури” деб қаради. Шоир чор истибдодининг фожиавий оқибатларини фош этиш баробарида миллат фарзандларини ўша пайтда нисбатан илғор бўлган рус маданиятини ўрганишга, ундан ўз манфаатимиз йўлида фойдаланишга чақирди. Шоирнинг Ватан ва миллат манфаатига асосланган маърифатпарварлик фаолияти мустамлака маъмуриятига маъқул келмагани аниқ. Фурқатнинг хорижга чиқариб юборилишига иккинчи сабаб шу. Мустамлака сиёсатига бўлган муросасиз муносабати хорижда ёзилган шеърлари тагматнида ифодаланди. Шунинг учун ҳам юртга қайтиш йўллари беркитиб қўйилди.

Фурқат ҳаёти ва ижодининг энг самарали ўн саккиз йили жонидан ҳам ортиқ севган она Ватанидан айриликда кечди. У чет элларда яшаган кезларида ҳам шеърларида она Ватанига бўлган муҳаббати ва соғинчини юрак қўри билан ифодалади.

Ватаннинг иштиёқин тортарам ғурбат ғами бирлан,
Турубдурман қутулмай ғуссау ранжу инолардин,

– дея кўнгил ҳасратини ёниқ мисраларда ифодалади. Истанбулда экан, ноёб асарларидан бири “Сабоға мактуб” дунё юзини кўрди. “Сайдинг қўябер сайёд” мусаддаси Ҳиндистонда эканида яратилди. Ҳаж ибодатини адо этар экан, адабиётимиз тарихида ягона ҳисобланган нодир асари – “Ҳажнома”ни битди.

Шу ўринда муҳим бир масалага тўхталиш зарурати сезилади. Бу – Фурқат қарашлари миллий уйғониш ҳаракати намояндалари, миллатпарвар жадидлар томонидан давом эттирилгани масаласи. Бинобарин, Фурқат ва жадидлар қарашларида муайян изчиллик, давомийлик мавжудки, бу кўпдан тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Бироқ, афсуски, адабиётшуносликда бу масала шу пайтгача ўрганилмай келди.

Бу ҳақда дастлаб хорижлик тадқиқотчилар ишларида фикр юритилган. Жумладан, бошқирд олими Заки Валидий “Бугунги турк эли: Туркистон ва яқин тарихи” китобининг махсус бобини “Янги ўзбек адабиёти” деб номлайди. Олим янги ўзбек адабиёти тадқиқини Фурқат асарлари таҳлилидан бошлайди. “Ўзбекларнинг Оврупа ва рус маданияти таъсирида инкишоф этган янги адабиёти ҳануз жуда ёш” эканини таъкидлаган муаллиф ўз хулосаларида Фурқат асарларига таянади. Шоирнинг ушбу янги адабиётнинг тамал тошини қўйганлардан эканини алоҳида қайд этади.

Мажор олими Янош Экман “Хоразм, қипчоқ ва чиғатой туркчасига оид тадқиқотлар” номли йирик асарида Туркистон жадидлик ҳаракатига Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар, Зорий каби шоирларнинг маърифий қарашлари асос бўлгани хусусидаги муҳим бир масалани ўртага қўяди. У бундай ёзади: “...Хивали шоир Аваз Ўтардан бошқа жадид адабиётининг дастлабки намояндалари Муқимий, Фурқат, Завқий ва Зорий каби ҳўқандли шоирлардир”.

Хорижлик тадқиқотчилардан яна бири Адиб Холиднинг фикрича, жадидликни муайян сана билан чеклаш тўғри эмас. Унинг таъкидлашича, мусулмон жамиятини замонавий алоқа воситалари ва мулоқотнинг янги шаклларидан фойдаланиш орқали ислоҳ қилишга уринувчи шахслар “жадидлар” деб аталади. Бинобарин, Фурқат ва унинг замондошлари худди шунга интилгани мутахассисларга яхши аён.

Таъкидлаш керакки, Фурқат ва унинг даврадошлари жадидлик деб аталган ва XX аср бошида миллатимиз ҳаётининг барча – ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий жабҳаларини ислоҳ этишга бўлган интилишларни мужассам этган улкан ҳаракатга замин ҳозирлаган эди.

Бизнингча, Фурқат ва жадидлар қарашларидаги муштараклик қуйидаги масалаларда нисбатан аниқроқ кўзга ташланади:

1. Мустамлака сиёсатига нисбатан муросасизлик. Фурқатнинг юқорида таҳлил этилган “Муножоти мусаддас”и, “Бўлди” радифли мухаммаси, “Бегим” ғазали ва хорижда ёзган бир қанча асарлари, жадидларнинг эса бу борада наинки ижодий, ҳатто амалий фаолият билан шуғулланган ушбу фикрни қувватлайди.

2. Замонавий илмларни эгаллашга тарғиб этиш, Оврупа таълим тизимини жорий қилиш орқали халқимизнинг ривожланган миллатлар даражасида юксалиши орзуси.


3. Матбуот, театр каби ҳодисалардан миллатни уйғотишда минбар сифатида фойдаланиш. Фурқатнинг “Туркистон вилоятининг газети”да босилган асарлари, “Таржимон”, “Шўро” каби жадид матбуотининг нуфузли нашрларида шоир асарларининг эълон қилиниши, кейинчалик жадидлар томонидан нашр этилган миллий матбуот нашрлари бунинг ёрқин далилидир.

4. Миллатнинг тараққий этишига тўсиқ бўлаётган иллатларни кескин танқид этиш. Бундай иллатлар – ўзаро нифоқ ва низолар, илм-маърифатга эътиборсизлик, жаҳолат, илм-фан тараққиётидан ортда қолиш ва ҳоказо...

Бу мулоҳазалар Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, ўзидан кейинги авлодларга ҳам кучли таъсир кўрсата олган улуғ ижодкор, бутун салоҳиятини, иқтидорини Ватан ва миллат равнақи йўлига тиккан буюк сиймо экани ҳақидаги ҳаққоний илмий хулоса учун асос бўла олади.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

МУТОЛАА



ВАТАНДАН СЎЗЛАГАН “ВАТАН”

“Ватан” журнали нашр этилиши мамлакатимиз матбуотида катта қадам бўлди. Журналнинг ҳар сонини муштарийлар интиқ кутишмоқда. Боиси, унда кўтарилаётган масалалар, айтилаётган фикрлар долзарб. Матбуотнинг қудрати ҳам шунда! Журналнинг 3-сонини ўқий туриб, матбуотнинг кучи, таъсирини яна бир бор чуқур ҳис қилдим. Унинг муқовасида Шайбонийхон акс этган. Бунда ҳам рамзийлик бордек гўё. Расм пастида “Ўзбек давлатчилигининг йирик намояндаси, маърифатпарвар ҳукмдор Муҳаммад Шайбонийхон” номли журналдан ўрин олган мақола сарлавҳаси турибди. Шу сурат-сарлавҳанинг ўзи жуда кўп нарсани очиб бергандек. Тарихий тушунмовчиликка ойдинлик киритилгандек гўё.

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозоданинг “Ватан” мухбирига берган “Ўзбекистон – доимо юрагимда” номли интервьюсида одамнинг дилида илиқлик уйғотадиган жуда яхши фикрлар берилган. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматовнинг “Мамлакатимиз IT-HUBга айланмоқда” номли мақоласида эса, сўнгги йилларда юртимизда ушбу соҳага қаратилаётган эътибор ва эришилаётган ютуқлар ҳақида сўз боради. Нобель мукофоти лауреати Азиз Санжарнинг “Тамаддун пойдевори илм-фандир” сарлавҳали мақоласи ҳам ўқувчини беэътибор қолдирмайди. Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг “Уйғонаётган арслон” мақоласи ҳақиқий сиёсий назар билан ёзилган. Унда минтақанинг геосиёсий акторига айланаётган Янги Ўзбекистонимизнинг дадил қадамлари, юксалаётган халқаро имижи ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Шунингдек, нашрнинг ушбу сонидан Ли Цзигонинг “Қадимий ипак йўлининг замонавий тимсоли”, қозоғистонлик олим Еркин Байдаровнинг “Қозоғистон – Ўзбекистон: Янги тараққиёт босқичидаги муносабатлар”, сиёсатшунос Эмилбек Жўраевнинг “Қирғизистон – Ўзбекистон: Уларнинг ҳар бирига кучли ва фаровон қўшни керак” мақолалари ўрин олган. Айниқса, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Қозоқ қариндошларимизга очиқ хат”и, тарих фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Анорбоевнинг “Наманганнинг Регистони”га айланаётган Ахсикент”, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Алимжоновнинг “Нотугал давлат қурилишими ёхуд ниҳоясига етказилмаган концептуаллашув?” мақолалари ўқувчида илиқ таассурот қолдиради.

Шунингдек, журналист Ҳусан Эрматовнинг “Хоразм суворалари санъатнинг бетакрор дурдонаси”, филология фанлари доктори Шомирза Турдимовнинг “Алп Гўрўғли – зўр ботир”, Гзавье Аллезнинг “Поль Пеллионинг Туркистонга саёҳати”, тарих фанлари номзоди Нурёғди Тошовнинг “Тил тарихидаги ноёб ҳодиса”, тарих фанлари доктори Сергей Николаевич Абашиннинг “Колонизация ва постколонизация: Марказий Осиё мамлакатлари тажрибаси”, филология фанлари номзоди, мустақил эксперт Абдулазиз Ҳакимийнинг “Мусулмончилик” ва совет кишиси: Амалга ошмаган идентикликми?”, тарих фанлари доктори, профессор Қаҳрамон Ражабовнинг “Бойбўрибек Ҳайит ким эди?”, мозийнинг унутилган битиклари рукни остида профессор Акбар Замоновнинг “Ўзбек давлатчилигининг йирик намояндаси, маърифатпарвар ҳукмдор Муҳаммад Шайбонийхон” каби мақолалари ва Шайбонийхон қаламига мансуб битиклар, машҳур ёзувчи Нодар Думбадзенинг “Ҳелладос” номли ҳикояларини ҳам мутолаа қилишингиз мумкин.

Мақолаларда Ватан тарихи ва бугуни, ички ва ташқи сиёсат, санъат, адабиёт, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқлар атрофлича ёритилган. Муаллифлар ҳам жамоатчиликка яхши таниш бўлган ўз соҳасининг таниқли кишилари. Бир сўз билан айтганда, ушбу журнал Ватан ҳақида сўзлаётган “Ватан”дир!

Зикрилла МАМАТОВ

ХОТИРА

...Ҳозирда тўртта-бешта клип олиб, бир ёғи ойнаи жаҳонни, яна бир ёғи ижтимоий тармоқларни батангга келтириб, муҳташам иморатларию энг сўнгги русумдаги уловларини кўз-кўз қилиб, бемаъни, бетамиз қўшиқлари билан ёш авлод онгини қадим мумтоз санъатимиз ўзанларидан чалғитиб, на миллатимиз, на қадриятимиз мезонларига тўғри келмайдиган "бўтқамисол" нимарсаларга "хит" деган ғалати ёрлиқни ёпиштирган "саҳна юлдуз"лари болалаб ётган даврда бу инсоннинг санъаткорлик мақоми, саховатпешалиги, камтарин феъли ҳақида ёзсак кимлargадир ғалат туюлар. Аммо, айнан шундай улуғ ҳофизлар яратган ҳаёт ва санъат мактаби мумтоз ўзбек қўшиқчилиги даражасини белгилаган ва бундан кейин ҳам белгилаши ҳеч шубҳасиз.



Санъатда, саховатда, самимийликда беназир ҳофиз эди

Тўрт республика – Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон ва Татаристон халқ артисти, давлат мукофоти совриндори Отажон Худойшукуров бу ёруғ оламда атиги эллик йил умр кўрди ва шу қисқа умрининг деярли қирқ йилини саҳналарда ўтказди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан афсонавий ҳофизнинг 80 йиллиги ўзи туғилиб ўсган, бутун умри кечган Тўрткўл шаҳрида нишонланди. Хотира тадбирлари дастурида ёш ижодкорлар учун танлов ўтказилиб, унда давлатимизнинг барча вилоятларидан мумтоз қўшиқчиликка ихлоси баланд ёш ижрочилар қатнашди. Туман ҳокимлиги биносида устоз санъаткор ижодига бағишлаб ўтказилган "Ижод ирмоқлари" илмий-амалий анжуманида ҳофизнинг ҳаёти, ижод йўли, кўпларга ибратли ишлари ҳақида қаҳрамонимизнинг замондошлари, ҳамкасблари, шогирдлари ўз хотираларини ўртоқлашди.

Ҳозир юбилей тафсилотларига тўхталмаймиз. Тантаналарни оммавий ахборот воситалари узлуксиз ёритди, ҳали ҳамон тадбир лавҳалари ижтимоий тармоқларда айланмоқда.

Шу ўринда ҳофиз суратию сийрати янада аниқ намоён бўлмоғи учун газетхонларга ўзимиз гувоҳ бўлганимиз, эшитганимиз ва суратлару ҳужжатларда сақланган маълумотлардан билганимизга асосланиб, улуғ санъаткорни баҳоли қудрат тасвирлашга ҳаракат қиламиз. Бу битикларимиз дарёдан бир ирмоқдир. Зеро, ҳофиз тириклигидаёқ "Учинчи дарё" матлабига лойиқ кўрилганди.

* * *

Ҳофизнинг синглиси Лола опа Оллашукурова эслайдилар: "Оғамни Норинжон бува қабристонига дафн қилдик. Бу қабристон дарёнинг икки қирғоғида яшовчи хоразмлик ва қорақалпоқлар энг кўп ташриф буюрадиган, зиёрат қиладиган муқаддас маскан.

Вафотидан кейин ҳар пайшанба куни оғам қабрини зиёрат қилардик. Бир куни борсак нотаниш аёл оғамнинг қабрини қучоқлаб, сочларини юлиб йиғлаётгани устидан чиқиб, турган жойимизда қотиб қолдик. Бу аёл ким экан, деб хаёлимизга турли ўйлар ҳам келди...

Кейин аёл кўз ёшларини тия олмай оғам билан боғлиқ ҳикояни сўзлаб берганида, унинг йиғисига биз ҳам қўшилдик.

Оғамни республиканинг барча вилоятларига тўйга чақиришарди. Қорақалпоғистон давлат филармонияси қошидаги "Аму тўлқинлари" ансамбли раҳбари бўлсалар-да (бу лавозимга 28 ёшларида маъқул кўрилган) вақт топиб, тўй эгалари илтимосини бажаришга ҳаракат қилардилар. Оғам Самарқанднинг лўлилар яшайдиган даҳасига ҳам кўп бора тўйларга таклиф қилинган. Лўлилар тўйига бошқа хонандалар боришни исташмаган, сабаби, тўй ниҳояси жанжалсиз якунланмаган. Ҳатто айрим хонандалар калтак еб қайтишган.

Улар оғамни ғоятда ҳурмат қилишган.

Ҳамкасблари билан енгил машинада шундай тўйлардан бирига бораётганида йўл бўйида йиғлаб ўтирган аёлни кўриб, машинани тўхтатишни сўраган ва аёл нега йиғлаётгани билан қизиққан. Аёл яқинда эри вафот этгани, уч етим боласи билан қолгани, рўзғор юритиш оғирлиги, аксига ўзи фаррош бўлиб ишлаётган мактаб директори беҳуда баҳоналар билан маошининг ярмини ушлаб қолаётгани, кейинги маошгача болаларимга нима едираман, деб куйиниб ўтирганини айтган. Оғам унга далда бериб, яшаш манзилини сўраб, тўйга кетганлар. Тўрт соат давом қилган тўйда меҳмонлар оғамга ўша вақтда бир енгил машина олишга етадиган пул қистиришган. (У вақтлари ҳофизлар тўйларга "фалон сўм берасан", деб шарт қўйиб боришмасди, даврада меҳмонлар қанча пул қистирса, шу хизмат ҳақи ҳисобланарди).

Оғам тўйдан чиқиб, ўша аёлнинг уйини суриштириб топиб бориб, тўйда тушган барча пулларни бериб "Шу болаларингиз тўйларига айтинг, албатта, келаман!" деб ваъда ҳам берган экан.

"Оғангиз берган пулга уч боламни оёққа қўйдим, катта ўғлим бу йил институтни битказди, қишда тўйини қилсам, албатта, тўйга чақираман, деб ният қилгандим. Телевизорда Отажон Худойшукуров вафот этгани ҳақидаги шумхабарни эшитиб, ҳушимдан айрилдим. Ўн кун касалхонада даволаниб, мана, сўраб-суриштириб қабрини топдим!", дейди аёл.

Оғамнинг биз билган-билмаган қанчадан-қанча шундай савобли ишлари бор.

* * *

Замондошлари, яқинлари ва бунга гувоҳ бўлганлар эслайдиларки, ҳофиз кўп ҳолларда тўйда меҳмонлар илинган пулнинг ҳаммасини шу ерда яшовчи бирор эҳтиёжманд кишига туҳфа қилган. Баъзида даврада ўтирган кекса санъаткорлардан бирининг олдига қўйиб, фотиҳасини олиб кетган экан.

...Қишлоқлардан бирида бўлган тўйда тўрт соатга яқин қўшиқ айтиб, мезбонлардан рухсат сўраб энди машинасига минаётган вақтида бир йигит саломлашади ва "Мен тўйда чой қайнатдим. Энди масза қилиб, қўшиқ эшитаман, десам сиз кетяпсиз", дейди. Ҳофиз торини ғилофидан олиб созлайди ва шу ерда чой қайнатган йигит учун беш-олтита қўшиқ айтади. Бир зумда атрофига томошабинлар тўпланади. Улар берган бир қийиқ пулни чойчи йигитга узатиб "Рози бўл, ука!" дейди...

* * *

Ўзбек футболи тарихида шарҳловчилар орасида "афсонавий" рутбасига эга ягона инсон раҳматли Аброр Имомхўжаев ойнаи жаҳондаги бир чиқишида Отажон Худойшукуровни хотирлаётиб "Шерали Жўраев билан иккиси "Пахтакор" футбол жамоасининг бир йиллик сарф-харажатларини кўтаргандилар", деб шунчаки айтиб ўтади. Бу гап айримларнинг бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб ҳам кетди. Шарҳловчи фикрини изоҳлаб ўтирмади. Биз эса озроқ изоҳ бериб ўтамиз. Аброр ака эслаган давр совет давлатининг инқирози бошланган замонага – 1980 йиллар охирига тўғри келади. Шу даврда барча соҳаларда депсиниш ва ҳатто ортга кетиш кузатилаётганди. Давлат ғазнаси бўшаб қолганидан республика фахри саналган футбол жамоасини моддий қўллаб-қувватлашга маблағ топилмаган.

Ўша даврда жамоада юз нафардан ортиқ одам ишлаган. Футболчилар бошқа касб эгаларига қараганда бир неча баравар кўпроқ маош ҳам олишган. Яна ўйин натижаларига қараб салмоқлигина мукофот пуллари ҳам берилган. Собиқ иттифоқ олий лигасида тўп сурадиган жамоа мавсумда ҳозирда мустақил бўлган 6 давлатнинг жамоалари билан тўп сурарди. Мавсумда 17 марта ўша жамоалар билан ўйнаш учун учоқда бориб қайтишарди. Белгиланган ўйиндан бир кун олдин бориш, меҳмонхонада яшаш, овқатланиш ва бошқа харажатлар учун оз маблағ кетмасди. Юзга яқин кишининг бир йиллик маоши, мукофот пуллари, сафару кийим-кечаклар учун ҳозирги ўлчовларда тахминан беш юз минг АҚШ доллари миқдорида пул кетган.

Ана энди икки афсонавий ҳофизнинг бир жамоага чўзган саховат қўли қанчалик залворли бўлганини ўзингиз тасаввур қилаверинг!

* * *

...Тўрткўл шаҳрининг қибла тарафида, "Нукус – Тошкент" каттаулов йўлининг икки томонида қатор қўшқаватли иморатлар қурилган. Бир-биридан муҳташам, кўркам иморатларга қараб ҳавасингиз келади. Буюк ҳофизнинг уйи шу ерда эканлигини кимдандир сўраб билиб олган бўлсангиз, биринчи навбатда қаторасига осмонга бўй чўзган "сарой"лардан бирисидир деб ўйлайсиз. Ахир, ҳозир тўртта тўйга борган оддий "юлдуз"лар ҳам басма-басига осмонўпар иморатлар қуришга зўр беришган...

Йўл сўраганингизда сизга кўрсатган уйни кўргач, бир зумда "осмондан ерга тушасиз". Отажон оға яшаб ўтган уй шу кўчадаги энг камтарини, энг оддийси. Бу иморатни ҳофиз йигирма беш ёшида лойдан – пахса девордан қўни-қўшнилар ёрдамида тиклаган. Бўлмаса, шуҳрат чўққисига чиққан даврида бир тўйдан топган даромадига исталган шаҳардан гўзал иморат сотиб олиши мумкин эди. Ўзи истаса икки эмас, уч қаватли сароймисол уй қурдира оларди.

Ҳашамга, мол-мулкка қизиқмаслик (муккасидан кетиш десак, ҳофиз руҳини безовта қиламиз) бу инсоннинг фитратида бор эди. Унинг бу феъли авлодларига мерос ўтган. Бугун неваралари шу камтарингина иморатда умргузаронлик қиляпти.

* * *

Ҳофизнинг каттагина кутубхонаси бор эди. Бўш вақт топсалар мутолаага бериларди. Бир сафар воҳалик таниқли шоир Матназар Абдулҳаким билан ҳофизни йўқлаб борганимизда, саҳна маданияти, томошабинлар диди ва ёшига мос қўшиқларни танлаш борасида "Қобуснома"да келтирилмиш насиҳатларни эринмасдан ўқиб берганлар. Китоб жавонларига териб қўйилган мумтоз Шарқ шеърияти устунлари бўлмиш – Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Муҳаммад Ризо Огаҳий девонларини кўрсатиб, улуғ шоирлар шеърларини қайта-қайта ўқиб, улар орасидан қўшиқлари учун ғазаллар, мухаммаслар танлашини айтганлари ёдимда. Энг эътиборлиси, ҳофиз форсий тилдаги ғазалларни ғоятда чиройли ўқирди. Фақат ўқибгина қолмай, бу қардош тилни яхши биларди ҳам. "Бу авлиёсифат улуғларимизнинг ҳар бир ғазалини қўшиқ қилишим мумкин, аммо маромига етказа олмасам руҳлари безовта бўлмасмикан, деб қўрқаман", дегандилар.

Буларни айтишимиздан мақсад, бугун ҳатто унвондор хонандалар ҳам қўшиқ яратиш учун муносиб ғазал ёки шеър танлашга бефарқ бўлиб қолишган. Шундан саҳналаримизни маъно-матрасиз "қўшиқлар" босиб кетган.

* * *

Тўрткўл шаҳрига кунчиқар томондан кириб борар экансиз, аввало, нигоҳингиз баланд ва чиройли минорага тушади. Туб аҳоли бу минорага "Оташминора" деб ном қўйган. Шаҳардаги энг йирик жомеъ масжидига ёндош қурилган минора-мезананинг баландлиги 53 метр. Мустаҳкам ва чиройли минора буюк ҳофиз берган маблағ ҳисобидан қад ростлаган.

Сарғайиб кетган бир суратда соқоллари ўсган, уст-боши лойга беланган бир инсон челакда лой ташиётгани акс этган. Синчиклаб қарасангиз, ҳофизни танийсиз. Тўрт республика халқ артисти унвони эгаси бўлган ҳофиз минора қурилишида бошдан-оёқ энг оғир – қора юмушларда усталар билан ёнма-ён ишлаган.

* * *

Санъат ва адабиёт ҳомийси, маърифатпарвар маъмур Неъматулла ака Худойберганов Элликқалъа туманига ҳоким бўлган йиллари Бўстон шаҳрида ҳофиз номида улкан санъат саройи қурилишига бош бўлган. Туманда Отажон Худойшукуров номидаги санъат мактаби ҳам фаолият юритган. Ҳар икки йилда бир бора, жами тўққиз марта, улуғ ҳофиз номидаги республика танловлари ўтказилиб, иштирокчилар орасидан қанчадан-қанча етук хонандалар етишиб чиққан. Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзолари орасида ўзбек санъатининг ҳақиқий юлдузларини – Муножот Йўлчиева, Муяссар Раззоқова, Ўлмас Расулов, Абдуҳошим Исмоилов ва бошқаларни мунтазам кўриш мумкин эди.

Танловлардан бирида Ўлмас Расуловдан Отажон Худойшукуров овози даражаси ҳақида сўраганимизда шундай деганди: "Агарда тақдир Отажон ҳофизни мендан олдин дунёга келтирганида, мен бола вақтим у кишининг "Сувора" ижроси авж нуқталарини эшитганимда кўзларим ҳайрату овози қудратидан ўз-ўзидан очилиб кетган бўларди".

* * *

Ҳофизнинг ўртамиёна хонада жойлашган ихчамгина уй-музейида сақланаётган ашёлар орасида ўз қўли билан ёзган шеърлари ҳам бор. Ҳозир ҳофиз ўзи ёзган тўққизта шеърни машҳур қўшиққа айлантиргани ҳақида айтмаймиз. Бизни ҳайратга солгани – ҳофизнинг ҳуснихати. Бу қадар чиройли ҳуснихатга кам дуч келганмиз. Агар бу инсон санъатни эмас, хаттотликни танлаганида, ҳеч шубҳасиз, ўз даврининг энг машҳур хаттотларидан бири бўларди.

Бу инсон қанчалар истеъдодли бўлса, шунчалар камтар ва камсуқум ҳам эди. Тўрт республика халқ артистининг шаҳардаги маҳаллаларга торини бўйнига осиб, велосипедда тўйга борганига ишонасизми? Ёки шаҳарда ташкиллаштирилган тадбирларга пойи пиёда келганига-чи?

Отажон Худойшукуров ўзбек қўшиқчилик санъатида мактаб яратган ижодкор. Бу ижод мактаби қўшиқсеварлар қалбларни Аму тўлқинларидек сокину қудратли оҳанглари билан олтмиш беш йилки забт этмоқда. Бу ижод мактаби асосчисининг яшаш тарзи, ҳаётий тутумларидан кўпчилик санъаткорлар улгу олган ва олаётир...

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



ЁДНОМА



ҲАМИД ДАЛОВНИ ЭСЛАБ

Олмониялик таниқли мутаржим Ҳамид Далов Ўзбекистонда туғилиб ўсган. 1977 йили Тошкент давлат университетининг тарих факультетини тамомлагач, кўп йиллар турли ташкилотларда ишлаган. 1992 йилда хорижга кетган ва Олмонияда тарих фанлари бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган. Ватандан йироқ бўлса-да, у ўз юртининг ташвишлари билан яшаб, илмий тадқиқотлар олиб борган.

Таниқли таржимон Ўзбекистонда ўтказилган иккита халқаро анжуманда (2018 ва 2021 йилларда) фаол қатнашган. 2016 йили нашр қилинган "Бобурнома"нинг олмонча таржимасидаги мавжуд хато-камчиликларни тузатиб, қайта ишлаган ва тўлдирган ҳолда такрор чоп этган. Ушбу тузатишларда Бобур ҳаётига оид айрим маълумотлар, жумладан, Бобурнинг насл-насаби мўғулларга эмас, туркийларга бориб тақалишига оид тарихий ҳақиқатни тиклаган ва европалик олимларнинг чалкаш фикрларига чек қўйган.

Маълумки, "Бобурнома" дастлаб Бобур айтиб ёздирган туркийдан форс тилига, ундан Эрскин ва Лайденлар томонидан инглизчага, 1810 йилда Жулиус Клаппрот ва 1828 йилда Кайзер Амадеус томонидан олмончага ўгирилган. Умуман, бу жаҳоншумул аҳамиятга молик нодир асар дунёнинг қирққа яқин тилларига таржима қилинган. Жумладан, таржимон Волфганг Стамм 1980 йилда асарни французчадан олмон тилига қайта таржима қилган. Ушбу таржималарни атрофлича ўрганган Ҳамид Далов "Бобурнома"ни академик Сабоҳат Азимжонова яратган қисқартирилган вариантидан олмон тилига ўгирган эди.

Камина "Бобурнома"нинг тўртинчи таржимасига қўл урилиши сабабини сўраганимда, Ҳамид ака шундай деганди: "Барча олдинги таржималарнинг биронтаси аслиятдан эмас, воситачи форс, француз, инглиз ва ҳатто италян тилидан амалга оширилган. Шу боис "Бобурнома"нинг миллий хослигига, айрим тарихий ҳодисаларнинг талқинига, айниқса, шоҳ ва шоир Бобурнинг ўзига хос баён услубига жиддий путур етган. Тарихчи сифатида мен бунга бефарқ қараб туролмадим. Нуқсонларни бартараф қилиш учун "Бобурнома"нинг Анетте Беверидге хоним томонидан инглизчага ўгирилган таржимасининг Ҳайдаробод нашридан фойдаландим".

Таржимон иш давомида ўзбек бобуршунос ва таржимашуносларининг илмий ишларидан, жумладан, профессор Ғайбулла Саломов ва Неъматуллоҳ Отажонов қаламига мансуб "Жаҳонгашта "Бобурнома" номли монографиясидан ҳам унумли фойдаланган. Ушбу таржиманинг яна бир диққатга сазовор жиҳати, китоб ниҳоясида муҳим суратлар ва мавзуга дахлдор илмий матнлардан иборат сўнгсўз берилган. "Бобурнома"нинг Далов таржимаси эса 2022 йилда қайта нашр этилган.

Ҳамид Даловнинг олмон тилидаги "Қуёш чиқмоқда" ва "Қуёш ботмоқда" номли шеърий тўпламларида ҳам Ўзбекистон табиати, маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари моҳирона тасвирланган. У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолигига қабул қилинган эди.

Ўзбек тили ва адабиёти, тарихи ва маданиятини хорижда меҳр билан тарғиб қилаётган, Пфорзҳеимда яшаб ижод қилган доктор Ҳамид Далов яқинда вафот этди. Унинг асарлари, амалга оширган илмий тадқиқотлари ёш авлодга бебаҳо мерос бўлиб қолажак...

Хуррам РАҲИМОВ,
Олмониядаги Олмон-Ўзбек илмий жамияти раиси,
профессор

ИБРАТ

ЗАМОНАМИЗ ЖАДИДИ

Адабиётшунос олим Сирожиддин Аҳмад фаолиятига чизгилар



Туркистонда жадид даври адабий жараёнини ўрганиш ўзбек адабиётшунослигида алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланган. Устоз Озод Шарафиддинов йирик адабиётшунос олим Бегали Қосимовни яхши маънода “сўнгги жадид” деб атаган эди. Зотан, бутун илмий фаолиятини жадид маърифатпарварлиги тарихини ўрганишга бағишлаган олим шахсиятида миллат ойдинларининг характерли жиҳатлари мужассам эди.

Тўғрисини айтганда, бу профессор Бегали Қосимовга нисбатан хўб топиб айтилган ўхшатиш. Домланинг жадидларга менгзалиши одамни мамнун қиларди, аммо нима учундир номдаги “сўнгги” сўзи бироз мулоҳазали, назаримда. Шукрим, миллат тарихини ўрганган ва ўрганаётган олимларимиз “сўнгги” сўзининг зидди ўлароқ жиддий изланишлар олиб боришди. Ўзлари ҳам жадидлар сингари хулқланган улуғ олимлар Эрик Каримов, Бойбўта Дўстқораев, Наим Каримов, Шерали Турдиев, Сирожиддин Аҳмад сингари устозлар “сўнгги жадид” ижодий йўлини узайтиришга хизмат қилишди.

Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабида уюштирилган бир учрашувда ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад йиғин иштирокчиларига устоз Сирожиддин Аҳмадни “замонамиз жадиди” деб таништирди. Кўнгил бирдан ёришиб кетди. Сабаби, “сўнгги” жадид тушунчасини мазмунан янгилаган “замонамиз жадиди” атамаси ўта закийлик билан ўрнида қўлланган эди. Ҳақиқатан ҳам Сирожиддин Аҳмад чин маънода ярим асрдан ортиқ илмий фаолиятини жадидлик тарихига бағишлаган олим. Бегуноҳ қора рўйхатларга тиркалиб, шаҳид бўлган инсонлар исмини қайта тиклаш, хотирасини абадийлаштириш, уларнинг юрт озодлиги йўлидаги хизматини кўрсатиш каби савобли ишларни устоз холис бажармоқда. Камтар ва камсуқум олимнинг илмга катта даъвоси йўқ. Барча меҳнатлари манфаатсиз, таъмасиз. Қилаётган ишларини эса муқаддас бурч деб билади. Муаллиф томонидан нашрга тайёрланган китоблар жадид адабиёти кутубхонасининг бир қанча жавонини тўлдиради. Устознинг жадидлик ҳаракати ҳақидаги китобларини миллий дурдона ва энг бой хазина деб билиш мумкин.

Сирожиддин Аҳмаднинг кейинги йилларда кетма-кет нашр қилинаётган бир қатор китоблари ҳам “замонамиз жадиди” тушунчасини кенгроқ англашимизга ёрдам беради. Устоз тарихнинг сирли саҳифаларини ўзида жамлаган қўлёзмаларни синчиклаб ўрганган. Доимо бирламчи манбаларга таяниб иш кўрган олим тагматн сирларини ўта нозиклик билан илғай олади. Заҳматкаш олим Туркистон тарихининг энг мураккаб даврини ўрганишга бутун умрини бағишлади. Миллат тарихидаги қонли саҳифалар ва юрт ойдинлари фаолиятини ёритиш, маърифатпарварлар ҳаётини чин мазмун-моҳияти билан очиб беришга ўзини масъул санади.

Олимнинг илми амали билан мутаносиб бўлса, соз устига соз. Устоз чин маънодаги зиёли, камтар, амалини сўзига созлаган инсон. Устоз китоб тиклашда ҳам ўзига хос йўлдан боради. “Миллий ҳуррият адабиёти” (2018) номли китоб тузилиши ва композицияси билан анъанавий мундарижадан фарқланиб, шаклдаги бундай айирма мазмунда ҳам аксини топган. Китоб давр муаммолари негизида тарихий-адабий жараённи бўй-басти билан кўрсатиб беради. Ундаги тарихий воқеа ва ҳодисалар ўтган асрнинг 20-йиллари матбуот материаллари, шу кунгача халқ кўзидан махфий тутилган ва ошкора манбалар асосида ёзилган. Китоб мундарижасининг ўзи эътиборни тортади: “Мухторият ва адабиёт”, “Миллий қарама-қарши туриш адабиёти”, “Ғорат ёхуд ҳарбий коммунизм даври адабиёти”. Тўғри, бўлимларнинг номида ҳали муомалага киритилмаган ўринлар талайгина, аммо ёндашувнинг ўзиёқ ўқувчида айрича тасаввур уйғотади.

Олимнинг Мунаввар қори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саттор Жаббор, Тоҳир Шокир ижоди билан боғлиқ тадқиқотлари қомусий характерга эга бўлиб, кемтикларни тўлдирувчи нодир манба сифатида аҳамиятлидир. Муаллифнинг “Икки империя асоратида” (2018) номли икки жилддан иборат китобида Туркистон мустақиллиги йўлида фаолият юритган юрт қаҳрамонлари ҳақида маълумот берилади. Дукчи Эшон, Исҳоқхон Ибрат, Абдураҳмон Сайёҳ, Абдувоҳид қори Абдурауфқориев, Заҳриддин Аълам Қосимов (Чўлпоннинг тоғаси) каби инсонларнинг Туркистон озодлиги йўлида қилган хизматлари бирламчи манбалар асосида ёритиб берилади. Муаллиф асл нашрларга таянган ҳолда юрт истиқлоли йўлида кураш олиб борган бир ярим мингдан зиёд диний уламоларнинг “Қизил террор” асосида қатл қилинганлигини кўрсатади, уларни номма-ном тақдим қилади.

Китобда уламоларнинг миллат маънавий ва маданий равнақи йўлида олиб борган хизматлари очиб берилади. Босқинчилар юртда динга бўлган эҳтиром ва эътиқодни кўриб, аввал диний уламоларни йўқ қилиш ва уларни бадном этишни мақсад қилади. Заҳриддин Аълмнинг қуйидаги фикрлари ҳам бизга баъзи нарсаларни ойдинлаштиради. “...Нимадандир бутун Шарқ улусидан кўз юмуб, қўл силтайдир. Ўртоқ ундай эмас, бечора Шарқнинг ўзига яраша анъанаси бор: моддий ёқда оқсағон бўлса, маънавий ва ахлоқиётига кунботар устодларингиз ҳам инсоф қилур... Сўнг замон мутаассиблари ул фанларни чиқориб, мадрасаларни бадном қилғон экан, энди қайтадан тирилтириб, Шарқнинг ўз маданиятини тўплаб, етишмаганига Ғарбдан қўшсак, халқни-да қочирмағон бўлурмиз. Халқ билан бирликда маданийлашган японлар, мадрасадан қўл силтаб тараққий излаган усмонлилардан қанча юқорига чиқди...”. Устоз жадидлик ғоясини диний ва миллий қайғу, деб билади. Унинг изланишларида мана шу ғоя бир бутунликда бўй кўрсатади.

Олим томонидан Тоҳир Шокирнинг “Танланган асарлар (Туркистонда турк мафкураси ва Алишер Навоий)” (1922) номли китоби нашрга тайёрланиб, чоп этилди. Муаллиф сўзбошида Тоҳир Шокир ҳақида қисқача маълумот ҳамда танланган мақолалари борасида шарҳ бериб ўтади. Тоҳир Шокир ҳазрат Навоий ижодига бағишланган мақоласида икки муаммони очиб беришни мақсад қилади:



1. Туркистонда турк мафкураси.

2. Алишер Навоий ижоди ва туркий тафаккур масаласи.

Олим Навоий феноменини очиб беришда туркий тафаккурнинг қадим илдизларига, турк улуси ва руҳи масаласи кесимида Туркистон тарихига назар солади. Туркистондаги туркликнинг Навоийгача бўлган маданий ва адабий даврининг йирик полотносини яратади. Олим “Қутадғу билиг”ни “миллий руҳ ва миллий тафаккурнинг тимсоли”, дея баҳолаб, туркий қавм араб ва форс тили босими остида ўз руҳидан узоқлашиб кетаётган паллада Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавийнинг “кураш байроғини” кўтариб чиққанига ишора қилади. Шоир бутун фаолияти давомида миллий мафкурани шакллантиришга, “турк руҳи, турк ранги, турк фикр адабиёти”ни “яккалам” қилишга интилди ва муваффақият қозонди. “Иймони заифлашиб кетган сарой доираси мияларини тозалаб тўғри миллий йўлга солмоқчи” бўлди ва мақсадига етди.

Сирожиддин Аҳмаднинг Мунаввар қори Абдурашидхонов ижодига бағишланган “Мен сендамен” (2023) китоби ҳам жиддий тадқиқот саналади. Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг “Адиби аввал”, “Адиби ус-соний”, “Ер юзи”, “Ҳавойижи диния”, “Ўзбекча тил сабоқлиги” китоблари, хотира ёзишмалари ва турли мавзудаги публицистик мақолалари миллат маънавий меросининг таркибий қисмидир. “Тўпламдаги хотиралар унинг маҳбуслик даврида, узлатда ваҳшиёна қийноқлар остида ёзилган. Эски ўзбек имлоси дастхатни кирилл ҳарфига ўгириб, айрим арзимас таҳрир билан эълон қилинмоқда. Зеро, унинг қандай шароитда ёзилгани сезилиб турсин”.

Китобда аввал эълон қилинмаган мақолалар, хотира ва нутқлар, Мунаввар қорининг мажбурият юзасидан хорижда яшаб қолган шогирдларининг ёзишмалари илова қилинган. Тўпламда адабиётшуносликка оид мутлақо янги маълумотлар берилади. Хусусан, Ҳамза ва Мунаввар қори мактубларини ўрганиш орқали кўп фактларни билиш мумкин. Ҳамза Мунаввар қорини ўзига “пир” деб билади. 1915 йил октябрь-ноябрь ойларида ёзилган мактубларда Ҳамзанинг “Феруза хоним” номли насрий асари борлиги айтилади. Мунаввар қорининг Ҳамзага ушбу асар юзасидан тавсиялардан иборат йўллаган мактубидан парча келтириб, унинг нозик дидли мунаққид эканлигини тасдиқлайди. Сирожиддин Аҳмад “Феруза хоним” Ҳамзанинг тақдири номаълум романидир, буни топиш ва янада аниқлик киритиш ҳамзашуносларга ҳавола”, деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Фикрларини асослаш учун бир қанча фактларни келтириб ўтади. Мунаввар қорининг мактубидаги *“...чунки романга (таъкид бизники – **С.А.**) руҳ киритадурғон ва ўқувчини қизиқсиндирадурғон ўринлари шул...”* сўзлари ҳам бунга далил. Мунаввар қори Ҳамзани шогирд сифатида тарбиялашга интилгани, унинг ижодкор сифатида униб-ўсиши учун холис таклифлар берганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Муаллиф хотираларни тайёрлашда ноёб архив материалларидан унумли фойдаланган. Неча йилларки архивда қоғоз чанглари ва гардлари орасидан ҳақиқат аталмиш нурни қидираётган олим захирасида миллат маънавияти хазинасини тўлдирадиган ҳали кўп маълумотлар бор. Буни устоз билан қилинган ўзаро суҳбатлар тасдиқлайди. Сирожиддин Аҳмад чин маънодаги замонамиз жадидидир. Олимнинг Туркистон тарихи ва жадидларнинг ижтимоий-маънавий ҳаракатларини ёритиб беришга қаратилган асарлари билан танишиш ҳар бир ўзбек зиёлиси учун манфаатлидир.

Санобар ТЎЛАГАНОВА,
филология фанлари доктори

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯ

ХИЗМАТКОР



Аввал ўзимни таништирсам. Исмим – Чарос. Оилада учинчи қизман. Опаларим эрта турмушга чиққач, ота-онам қудалардан кечирим сўрайвериб, ялинавериб, юраги безиллаб қолди чоғи, келаётган совчиларга рад жавобини бера бошладилар. Эрта турмушга чиққан опаларимнинг уқувсизлиги туртки бўлдими, мени ўқитмоқ истадилар. Аввалига икки йил ўқишга киролмадим, учинчи уринишда талаба бўлдим. Очиғи, талабалигим ҳам осон бўлмади. Ота-онам у маошдан бу маошгача амал-тақал қилиб яшайдиган ишчилар бўлгани боис, контракт пулимни ўзим топишим керак эди. Бунинг устига опаларимнинг тўйи, сарполари, кейинчалик бешик тўйлар учун олинган қарз ва кредитлар оиламизни жар ёқасига олиб бориб қўйганди.

Отам бечора ўз тенгдошларидан анча кеч уйланган, ёнида суянчиғи йўқ эди. Укам ҳали мактабда ўқийди.

Дарсдан сўнг иш қидирдим. Тошкентда иш кўп, ҳеч ким оч қолмайди, аммо менга маоши яхши иш керак эди. Овозим чиройли, бунинг устига ўқишга кираман деб рус, инглиз тилларини яхши ўрганганим учун ўзимга муносиб иш излай бошладим.

Яхшигина бир фирмага оператор бўлиб ишга жойлашдим. Маошим ота-онамникидан кўп эди. Ҳам ўқиш, ҳам иш, ҳам уй юмушлари орасида югуриб юраверіб, тўрт йил ўтганини ҳам сезмай қолдим.

Бу йиллар давомида мартабам ҳам, маошим ҳам ошди. Биргалашиб, қарзлардан ҳам қутулдик. Энди каминага келаётган совчиларнинг сони кўпайиб қолганди.

– Қайнонамга қул бўлмайман! – Ўзимга қўйган биринчи талабим шу эди. – Ойлик маошимни ўзим тасарруф этаман. Турмуш ўртоғим билан алоҳида яшайман.

Опаларим итоаткор келинлар бўлгани боис доим ҳаётидан норизо, йиғлаб онамга дардини айтарди, мен энди бундай ҳаётга қарши исён қилаётгандим.

Яхшигина фирмада ишлаганим боис ўзимга оро беришни ҳам ўрнига қўярдим.

Бир куни ишхонамизга бир йигит келди. Иш юзасидан расмий мулоқотда бўлдим. Кейин яна келди. Учинчи сафар каминага ширинликлар олиб келди. Ҳаммаси шундан бошланди.

У уйланмоқчи эканлигини айтди.

– Сизни илк кўрганимдаёқ шу қиз меники бўлади, деганман, – деди.

Бир-икки кун ўйлаб жавоб беришимни айтдим. Бир ҳафтадан кейин эса унга очиғини айтдим.

– Менга уйлансангиз, алоҳида яшаймиз. Мен оилада хизматкор бўлмайман.

Йигит бироз сукут қилиб, кейин менга эмас, мен суяниб турган бақатеракнинг яшнаб турган ям-яшил барглларига тикилиб сўз бошлади:

– Ёлғиз онамдан бошқа ҳеч кимим йўқ. Дадам ёшлигимда вафот этгач, онам мени деб қайта турмушга чиқмадилар. Энди уларни ёлғиз ташлаб кетиш ноинсофлик бўлади. Аммо сиздан ҳам кечолмайман. Сиз аввал онам билан битта гаплашинг, балки, келишиб яшаб кетарсизлар.

Индамадим.

Йигит барибир совчиларни жўнатди. Ота-онамга маъқул келгани учунми, ўзим ҳам розилик бердим.

Ўз-ўзимга сўз бергандим: “Мен қул бўлмайман!”

Тўйдан кейин бир-икки кун елиб-югуриб хизмат қилиш ўзимга ҳам қизиқ бўлди. Меҳмонлар олдига чой олиб кириш, салом қилиш, ёш болачаларга дастрўмол тутқазиш...

Ўша куни тонгда бошимга ҳарир парда ташлаб салом қилгани чиқдим. Олис-яқиндан келган меҳмонлар тарқаган. Қайнонам дастурхон тузаб, дераза олдида ўйчан ўтирган экан.

Эгилиб салом қилдим. Кейин юзимдаги тўрли ёпинчиқни олиб:

– Ассалому алайкум, – дедим. Аёл тўлиша бошлаган, юзлари оппоқ, ҳали ёшлик тароватини йўқотмаган эди. Табассум билан алик олди.

– Келинг, болам, – деди бағрига босиб. Қучоғи иссиқ, ёқимли эди.

Чой қуйдим, чин юракдан. Таъзим билан узатдим, чин юракдан. Кейин бирга кечки таом тайёрладик. Ёрдам бердим, чин юракдан. Бир ойда янги оиламни шунчалик яхши кўриб қолдимки...

Ойлик маошимни олган куним уни қайнонамга бердим. Чин юракдан. Олиб, дуо қилдилар, кейин ўзимга қайтариб бердилар.

– Ўзингиз истаган нарсангизни олинг. Бу – сизнинг пулингиз.

Мен аста-секин шу оилага муҳаббат қўйдим. Очиғи, ўз оиламдан қулай эди янги оилам. Ота уйимда кунда-кунора кўз ёшини оқизиб келадиган опаларим ва жиянларимдан ортган пулларни ўзимга ишлатардим, шу билан бирга уйдаги ҳамма юмуш менинг гарданимда эди.

Бу ерда қайнонам тенгма-тенг ёрдам берарди. Опаларим айтган хизматкорлик йўқ эди.

Чой дамласам, ўзим ҳам ичаман, ҳовли-жойларни супурсам, шу жойда ўзим ҳам яшайман. Бирин-кетин фарзандларим дунёга келди.

Қайнонам ёнимда турдилар. Ҳали новвот чой ичирган, белимни силаган...

Биринчи фарзандимни дунёга келтирган куним, чақалоқни илк бор қўлимга олар эканман, ҳамшира бир гап айтиб қолди.

– Онангиз эрталабгача дераза тагида юриб чиқди. – Кейин ташқарига қараб овозини баландлатди. – Вой, ана, ҳалиям кетмабдилар!

Бу онам эмас, қайнонам эди!

Ўша куни хушхабарни эшитган қайнонам уйга бориб атала қилиб келди.

Кетма-кет туғилган фарзандларимни меҳр билан парвариш қилдилар.

Болаларим катта бўлиб қолди. Ота-онамни кўргани борсам ҳам, ўз уйимга – ойижонимнинг олдига ошиқаман.

Кейинги пайтларда турмуш ўртоғим ўзгариб қолди. Юрагим ниманидир сезиб, қайнонамга ёрилдим.

Тонгда шошиб ишга кетаётган ўғлини тўхтатган қайнонам биринчи марта овозини баланд кўтариб деди:

– Болам, мен бир нарсаларни сезиб юрибман. Агар келинимга хиёнат қилсанг ёки яна битта оила қурмоқчи бўлиб ҳаракатда юрган бўлсанг, икки қулоғинг билан эшитиб ол, кечирмайман, сени оқ қиламан!

Қўрқиб кетдим. Турмуш ўртоғим ҳам қалтираб кетди. Кетаётган жойидан қайтиб, онасини қучиб олди.

– Мен тушундим, ойи, фақат гапингизни қайтариб олинг.

Ҳаммаси изига тушиб кетди.

Тўртта боламни қайнонамнинг ёрдами билан катта қилдим. Болаларим касал бўлса, қўшилиб югурдилар, ютуғидан мендан кўп қувондилар.

Мана, ўзим келин олиш арафасидаман. Энди ўйлаб кўрсам, мен эмас, аслида, қайнонам хизматкор бўлибди.

Бугунги тўкин, фаровон, тинч ҳаётим уларнинг соғлиги, ёшлиги, меҳнати эвазига бино бўлибди.

Яна ёзардиму, ойижоним чақиряптилар.

– Чаросхон, юринг болам, ўртоғимнинг неварасига совчиликка бориб келамиз!

Худо ҳаммамизга инсоф берсин!

Феруза СОЛИХЎЖАЕВА

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

ФИДОЙИ МАЪРИФАТПАРВАРНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТИ

Юнусжон Оғалиқов 1884 йил 10 январда Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Ҳўқанди латифнинг таниқли дўкондорларидан бири эди. Оғалиқ атамаси эса бир вақтлар хонлик замонида боболарининг эгаллаган лавозимидан қолганди. Юнусжон Қўқон шаҳридаги мактаб ва мадрасаларда ўқиб, илм, таҳсил қилди. Сўнг ота касби бўлган савдо билан шуғулланиб, эл назаридаги сахий бойлар сафидан жой олди. Минтақада жадид тараққийпарварлик ғояларининг тарқалиши ортидан Юнусжон ҳожи ҳам бу ҳаракат иштирокчиларининг елкадоши бўлди. Жадид мактаблари ва муаллимларини доимий равишда моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлади.

Татар диёрларида чоп этилган “Таржимон”, “Вақт” каби жадид газета-журналларининг Фарғона водийсига етиб келишини таъминлади. Зоҳирий, Абдуваҳҳоб Ибодий каби муаллимларнинг Қрим, Уфа, Оренбург шаҳарларига илмий-ижодий сафарларини ташкиллаштирди. Ўзи эса “Таржимон”га мунтазам Туркистондаги ижтимоий-маданий ҳаёт, жадид мактабларининг аҳволи, тарихи ҳақида мақолалар юбориб турди.

Юнусжон ҳожи Оғалиқов 1916 йил мардикорликка қарши халқ қўзғолони вақтида аҳоли томонида бўлди. 1917 йил март ойидан “Шўрои Ислом” ташкилоти аъзоси сифатида сиёсий ҳаракатларга бош қўшди. Қўқонда Туркистон Мухторияти ҳукумати тадбирларида фаол иштирок этди. Мухториятнинг нашри бўлган “Эл байроғи” газетасини тарқатиш ва тарғиб қилишга масъул бўлди.

Юнусжон ҳожи Оғалиқов Туркистон Мухторияти қонга ботирилгач ҳам ўзининг истиқлол орзусидан воз кечмади. Қўқон шаҳрида қолиб миллий истиқлол учун қўлига қурол тутиб жангга кирган инсонларни қўллаб-қувватлади. 1921-22 йилларда дўсти Ашурали Зоҳирий техник муҳаррир бўлган “Фарғона” газетасида экспедитор сифатида иш олиб борди. Айни пайтда “Кўмак”, “Нашри маориф” каби маърифий жамиятлар тадбирларида фаол иштирок этди. Ўзи каби давлатманд инсонлардан пул йиғиб, кўплаб ёшларнинг хориж ва марказий Россия шаҳарларида жойлашган илм даргоҳларида таълим олишлари учун



Ўтирганлар (ўнгдан): 1. Абдулла Раҳмат 2. Султон Сайдалин 3. Ашурали Зоҳирий 4. Элбек 5. Чўлпон 6. Ғози Юнус 7. Ю.Оғалиқ 8. Н.Зиё (мудир). *1924 йил.*

ёрдам қўлини чўзди. Бироқ шўро ҳукумати мустаҳкамланиб бориши билан Юнусжон ҳожи Оғалиқов каби инсонларнинг бошига турли синовлар кела бошлади. 1926 йил аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси деган айблов билан қамоққа олиниб, 6 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилади. Юнусжон Оғалиқов жазонинг 3 йилини Компирмат округида, 3 йилини Оренбург шаҳрида ўтайди. Сўнг бир муддат Чимкентда яшаб, 1932 йилда она шаҳри Қўқонга қайтиб келади.

Юнусжон ҳожи Оғалиқов 1935–37 йиллар Қўқонда Ашурали Зоҳирий, Эркин Носир, Якуб Омон билан алоқаларини тиклайди. Ўзбекистон давлат нашриётига тегишли китоб савдоси дўкони мудири сифатида иш олиб бора бошлайди. Юнусжон ҳожи Оғалиқов советларнинг қанчалик разолатга ботганини, шўро ҳокимиятига қарши чиққан ҳар қандай кучни хоҳлаган йўл билан маҳв этиши мумкинлигини ўзининг тақдирида кўрди. Шунинг учун оиласи ва яқинлари келажагидан хавотирда бўлиб, имкон қадар ўзини кўрсатмасликка интилди. Бироқ у миллат ва халқ манфаатига зарар келтирадиган ҳар қандай қилмиш олдида тилини тия олмади. Қўқон шаҳридаги совет қурилишларини кузатар экан: *“Бу ҳеч қандай таъмир эмас, советлар мадрасаларимизни бир-бир йиқаяптилар. Яқинда Эски Қўқондан ҳеч нарса қолмайди. Халққа Эски шаҳарни бутунлай унуттирадилар. Шу баҳонада қадимий биноларимизни йўқ қилиб, миллий архитектурамизни, умуман олганда эса булар бизнинг тарихимизни йўқ қилмоқчилар”,* дейди.

Албатта, бу гаплар унинг ёнига киритилган махсус хуфялар томонидан оқизмай-томизмай керакли ташкилотга етказиб турилган.

1937 йил 21 август куни битилган ордер асосида Юнусжон ҳожи Оғалиқов яна ҳибсга олинди. Қўқон шаҳри, Ҳуррият маҳалласида жойлашган хонадонидан деярли ҳеч нарса топилмади. Турмуш ўртоғи Фахрия Дадабоева икки фарзанди билан унинг ортидан зор йиғлаганича қолди. Юнусжон ҳожи ўзига қилинаётган бўҳтонларни ҳар қандай ҳолатда ҳам тан олмаслигини маълум қилди. Шундан сўнг совет терговчилари уни тинч қўйди ва бошқаларнинг кўрсатмаларини олишга жон-жаҳди билан киришди.

1937 йил 26 август куни гувоҳ сифатида жалб қилинган кишилардан бири сўроқда 1936 йил Юнусжон ҳожи Оғалиқов ўзининг дўконида “...агар бизнинг яхши ташкилотларимиз бўлганида хонликларимизни чор Россияси босиб ололмас эди”, 1937 йил эса дўконида Ашурали Зоҳирий, Солиев даврасида “...Советлар сўз ва матбуот эркинлигини бермайдилар. Чор империяси даврида ҳам бундан яхшироқ эди. Колхозда нон йўқ, лекин ароқ денгиз бўлиб ётибди”, дегани ва Акбар Исломовнинг қамоққа олинганидан уларнинг барчаси хафа бўлганлиги ҳақида маълумот беради.

1937 йил 20 ноябрь куни Юнусжон ҳожи Оғалиқов ўзига қўйилган барча айбловларни рад этади. Бироқ 1937 йил 21 ноябрь куни ЎзССР НКВД ҳузуридаги машъум “учлик” Юнусжон ҳожи Оғалиқов ишини кўриб, уни олий жазога ҳукм қилади ва бу нохолис ҳукм 1937 йил 18 декабрь куни Қўқон шаҳрида жойлашган махсус объектда амалга оширилади.

1937 йил 15 ноябрь куни қаҳрамонимизнинг акаси Неъматжон ҳожи Оғалиқов ҳам қамоққа олинади. 1877 йил туғилган 62 ёшли Неъматжон Оғалиқовга диндор, Туркистон Мухториятида иштирок этган деб, ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси, яъни аксилинқилобий ташвиқот айблови қўйилади. Орадан олти кун ўтмасдан машъум “учлик” йиғини 1937 йил 21 ноябрь куни ҳеч бир далил, исбот келтирмасдан уни 10 йил муддатга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилади.

1957 йил 28 январь куни ЎзССР Олий суди томонидан Юнусжон ҳожи ва Неъматжон ҳожи Оғалиқовлар оқланди. Бироқ бу гал ҳам хушхабарни авлодларига етказиш масаласи ўша пайтда ҳеч кимнинг ақлига келмади...

Замонлар ўтди. Қўқонлик машҳур жадид муаллими Муҳаммаджон Холиқийнинг фарзанди, шифокор ва шоир Мидҳатжон ака отаси ва унинг сафдошларига бағишланган “Авлодлар эҳтироми” достонида уларнинг аччиқ қисматини афсус, надомат билан акс эттиради.

Баҳром ИРЗАЕВ,
Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи бош илмий ходими

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Ҳумойиддин Йўлдошқориев – 1896 йили Андижон шаҳрида туғилган. Собиқ йирик савдогар. Фуқаролар урушидан кейин Туркияга келган. “Нашри Маориф” ташкилотининг аъзоси бўлган. Қамоққа олиниши пайтида артелда цех мудири бўлиб ишлаган. Аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий характердаги тарғибот олиб борганликда, халқ душманларига нисбатан ҳамдардлик билдирганликда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди қўлланилиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган.

Аъзамжон Аҳмаджонов – 1886 йили Қўқон шаҳрида туғилган. “Шўрои Ислом” миллатчи ташкилот иштирокчиси бўлган, қулоққа тортилган. Қамоққа олинган вақтда Ўзбекистон мева-сабзавот магазини мудири бўлган. Германия “Юрген” фирмаси аъзолари билан яқиндан алоқада бўлганликда, ҳокимият ва партияга қарши ўз атрофидагиларга доимий равишда норозилик оҳангидаги фикрларни тарқатганликда айбланиб, мол-мулки мусодара қилиниб, ўзи отувга ҳукм этилган.

Мукаррам Абдуллаев – 1890 йили Ворошилов райони Хонабод қишлоғида туғилган. 1920 йили аксилинқилобий ташкилот “Шўрои Ислом”га кирган. Қамоққа олинганда колхоз аъзоси бўлган. Пахта терими ва пахта топшириш бўйича давлат режасини бузганликда, СССРда очарчилик тўғрисида иғво, миш-мишлар тарқатганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 20 октябрдан ҳисобланган.

Йўлчибой Тошматов – 1882 йили Сталин райони Рўзи маҳалласида туғилган. “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлган. Қамоққа олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлганликда, тез орада совет ҳокимияти йўқ бўлиши тўғрисида иғво тарқатганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига асосан 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

Мулла Турғун Иброҳимов – ЎзССР бирлашган қишлоқ фуқароси, қулоққа тортилган. Ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлганликда, доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, тараққийчилар билан алоқа ўрнатганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 1 декабрдан ҳисобланган.

Қилич Абдуллаев – 1900 йили Беҳбудий шаҳрида туғилган. Ўтмишда Керки беклигида хизмат қилган, партиядан ўчирилган. Қамоққа олинган пайтда Ўзкомбинатда ишлаётган бўлган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. Босмачиларни қурол билан таъминлаб турганликда ва аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоси, ташкилот йиғилишларида совет ҳокимияти билан курашиш масалалари, тизимли равишда мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-бандига асосан 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган.

Ҳожимурот қори Собиров – 1880 йилда Шофиркон районида туғилган. Миллати ўзбек. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-модда 1-банди ва 67-моддаси билан босмачилик гуруҳи иштирокчиси сифатида кенгашларда доимий ва тизимли равишда аксилинқилобий фаолият олиб борганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 27 ноябрдан ҳисобланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,

Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

ЖАДИДЛИК ҲАРАКАТИДА ТИЛ МАСАЛАЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Айни жараёнлар сабаб грамматикага оид қатор асарлар яратилди.

Она тили дарсликларининг миллий характерга эга эмаслиги, ўқитишдаги ноқулайликлар сабабли ўтган асрнинг 20-йилларига келиб, матбуотда Элбек, Қаюм Рамазон, Шокиржон Раҳимий, Шорасул Зуннуннинг ўзбек тилининг товушлар тизими, морфо-синтактик ҳодисалар юзасидан мақолалари эълон қилина бошланди. Бу мақолаларни ўзбек тили табиатини ёритишга бағишланган дастлабки тадқиқотлар дейиш мумкин.

Ўрта Осиёда биринчи марта ўзбек тилида товуш усулида хат-савод ўргатиш ишига тошкентлик Саидрасул Саидазизов киришиб, мазкур усулда яратган китобини “Устоди аввал” деб номлаган ва бу алифбе-дарслик 1902 йилдан бошлаб ҳар йили нашр қилиниб турган.

XX асрнинг 20-йилларида ва 30-йиллар бошида ҳозирги ўзбек тили имлосининг назарий асосларини ишлашда, ўша давр мактабларига мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларни яратишда Фитрат бошчилигидаги “Чиғатой гурунги” ташкилоти, кейинчалик унинг аъзолари иштирокида Ўзмаорифқўм қошида тузилган Ўзбек билим ҳайъати, Ўзбек янги алифбо марказий қўмитаси, Тил-термин давлат қўмитаси сингари ташкилотлар олиб борган ишлар катта аҳамиятга эга бўлди. Уларда фаолият кўрсатган бир қатор маърифатпарварлар ташаббуси билан турли фан соҳаларига оид ўнлаб дарсликлар, ўқув қўлланмалари, луғатлар яратилди.

Ўтган асрнинг 20–30-йилларида “Имло қоидалари” жорий этилиши муносабати билан Ашурали Зоҳирий ўзбек тилшунослигига бош ҳарф билан ёзиш қоидаларини олиб кирди.



Арабча ҳарф термини дастлаб ўзбек тилида сурат дейилган ва араб алифбосидаги ҳарфларнинг ёзувда ҳосил қиладиган шакли назарда тутилган.

Ўзбек тили бўйича тузилган илк сабоқлик ёки қўлланмалар бошқа тил эгалари томонидан ёзилган бўлиб, уларда ўзбек тилига хос ҳодисалар ўзга тиллар қонуниятлари асосида изоҳланган эди. Бу борада араб, татар, турк ва рус тиллари грамматикаларидан фойдаланилгани сир эмас. Дастлабки миллий грамматикамиз муаллифлари ҳам, фойдаланиш учун бошқа тадқиқот ёки қўлланмалар бўлмагани сабабли, мазкур тиллар грамматикаларидан фойдаланган эди. Бу даврда ўзбек тилини илмий ўрганиш ишлари “Чиғатой гурунги” ташкилотида бошланиб, Фитратнинг “Сарф” ва “Наҳв” асарлари мазкур саъй-ҳаракатларнинг илк натижаси ўлароқ 1925 йилда нашр этилган.

XIX аср охири XX аср бошларида илм-фаннинг даражасига мувофиқ яратилган дарслик ва қўлланмаларда асосий эътибор грамматика масалаларига бағишланган бўлиб, тилшуносликнинг бошқа соҳаларига йўл-йўлакай тўхталинган эди. Масалан, имло муаммолари ва қоидалари дастлаб яратилган дарсликларда жуда қисқа берилган.

Алифбо, ўзбек алифбоси масалалари 1926 йилда бошланган бўлиб, шу йили 27–29 августда Янги алифбо қўмитаси ва Илмий марказ тил мутахассислари иштирокидаги алифбо конференциясида янги тузилган лотин графикасидаги алифбо муҳокамаси бўлиб ўтади. Бу алифбода унлиларни 9 та, ундошларни 23 та ҳарф билан ифодалашга қарор қилинади. Ўша йили тарихда биринчи марта лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тузиш масаласи ҳал қилинади ва ҳарфлар тартиби белгиланиб, илк алифбо тузилади. Шу йили ўша давр тилшунослиги даражасида “Имло қоидалари” ишлаб чиқилади.

Бу имло қоидалари ҳақида 1926 йили чоп этилган “Маориф ва ўқитғучи” журналида шундай дейилган: *“...имлода икки усул қўлланади: савтий (фонетик) ҳам сарфий (морфологик). Бизнинг тилимизда бир қанча шевалар бўлганидан таълим-тарбия ишларида енгиллик учун ҳар икки усулдан фойдаланишга қарор бердик. Сўзнинг томири (асоси) эшитилганча ёзилди, қўшимчалар сарфий усул билан битилди. Буларнинг ҳақида изоҳат ва мисоллар қуйида ёзилгандир...”.* Мазкур қоидаларда илмий умумлашмалар жуда оз бўлиб, феълларнинг замонлари, тусланиши ва имлоси берилган.

Бу давр ўзбек тилшунослигидаги муҳим янгиликлардан бири Ашурали Зоҳирийнинг бош ҳарфларни амалиётга киритиши ва уларнинг ишлатилиш ўринларини қатъий белгилаб бериши бўлди. Лотин графикаси асосидаги ўзбек алифбоси тартибга солиниб, бу алифбо (альфавит) 1939 йилда яна тузатилди ва “Ўзбек тили грамматикаси” дарслигида берилди.

Афсуски, лотин графикасига асосланган ўзбек алифбоси ҳам жадидларга қўшилиб қатағон қилинди. Ҳатто бу ёзувда битилган асарлар ўтда куйдирилди. 1940 йилдан кириллчага асосланган ўзбек алифбосига мажбуран ўтказилганимиз кўпчиликка бугун маълум. Лотин алифбоси асосидаги ўзбек алифбосига узил-кесил чек қўйиш мақсади ҳам шўролар юритган сиёсатнинг талабига кўра амалга оширилган эди.

XX асрнинг 20-йилларидан янги ўзбек алифбосини тузиш ўзбек тилшунослари олдида турган асосий муаммолардан бири бўлиб қолди. Шу муносабат билан Туркистон Маориф комиссарлиги ҳузуридаги Билим кенгашида ўзбек тилининг янги алифбосини тузишда қандай йўл тутилиши кераклиги муҳокама қилинади. Элбекнинг “Турк тилларининг қонунлари тўғрисида мулоҳазалар” мақоласи ҳам шу муносабат билан ёзилган бўлиб, унда ўзбекчани билмасдан туриб унинг грамматикасини, имлосини тузмоқчи бўлганлар танқид қилинади. Бу вазифани ўзбек тилида сўзлашувчи, шу тил руҳи билан таниш кишиларгина бажаришга лойиқлиги айтилади.

Янги лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосида асарлар юзага кела бошлади. Бу борада Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Шокиржон Раҳимий, Элбек, Ашурали Зоҳирийнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ўзбек тилининг имло муаммолари ҳал этилмаган бир даврда, жадид маърифатпарварларининг саъй-ҳаракатлари билан лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтилиши, мактабларда шу алифбо асосида дунёвий фанларнинг ўқитилиши давр учун муҳим аҳамият касб этарди. Жадидлар ўзбек тили келажагини рус ёки араб ёзуви эмас, балки лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбоси асосида кўришган эди. Айни имло ўзбек тили табиатига мос тушиши ҳақидаги асосли қарашларини илгари суриб, янги ўзбек ёзувини қабул қилишда ҳам шу ғояга амал қилишган. Маърифатпарвар боболаримиз тил ва имлога бу қадар жиддий эътибор берганининг боиси шуки, улар айни миллий давлатчилик таянчи сифатида алифбо масаласини бирламчи ўринларда санашарди.

Ихтиёр ЭРМАТОВ,
филология фанлари доктори

2024-yil 18-oktyabr
№ 43(43)

ТОМОШАБИН ТЕАТРГА НИМА УЧУН БОРАДИ?

Бошланиши 1-саҳифада.

Танловлар, фестивалллар, кўриклар театрлар фаолиятини жонлантириши, айнан шулар ижодий жараённи фаоллаштириши мумкин, албатта. Шунинг учун ҳам кейинги вақтда кўплаб театр фестивалларини ташкил этилмоқда.

Бироқ аксарият ҳолларда фестивалллар дастуридан анчайин бўш, саёз спектакллар жой олмоқда. Улар орасида театр жараёнининг янги йўналишини белгилаб берувчи икки-уч спектакль топилади, холос. Фикримизча, фестивалларни ташкил этиш амалиётини янада жонлантириш лозим. Яқин ўтмишда собиқ “Ўзбектеатр” бирлашмаси “Дебют” фестивалини ташкил қилиб, ёш режиссёрларни кашф этиш йўлини топган эди. Бу мамлакат театрлари ҳаётида муҳим воқеага айланганди. Бироқ унда ғолибларга қандай ваколатлар берилиши масаласи очиқ қолган. Тўғри, ёш режиссёрларга турли театрларда ишлаш учун йўлланма бериларди. Лекин ҳаммаси шу билан якунланарди.

Бизнингча, ёш режиссёрларга танлаш имкониятини бериш зарур. Уларнинг кўпчилигида саҳналаштирмоқчи бўлган спектакларининг лойиҳаси бор. Бироқ кундалик югур-югурлар орасида улар нима қилишни, ёрдам сўраб кимга мурожаат этишни билишмайди. Ёрдам беришнинг эса иложи бор. Таклифимиз шуки, қирққа яқин театр жамоаларига эга бўлган Маданият вазирлигида ёш режиссёрларга ижодий шароит яратиш билан мунтазам шуғулланадиган танлов эксперт





комиссиясини тузиш керак. Ёш режиссёрларнинг талабномалари, лойиҳаларини учтўрт кишидан иборат комиссия кўриб чиқиб, саҳналаштиришга таклиф берганидан сўнг ғолибларнинг ижодий иши молиялаштирилиши лозим. Шу тариқа давлат буюртмаси ҳақидаги қарорни кутиб ўтирмай, ёш кучларни фаоллаштириш мумкин.

Айни вақтда ёш режиссёрларнинг ишини ташкил қилиш учун малакали устозлар раҳбарлигида ёш танқидчилар, театршунослар билан бирга семинарлар ўтказиш даркор. Маданият вазирлиги қошида ижодий секциялар ташкил этиш ва шу орқали келгусида саҳналаштириладиган спектакллар лойиҳасига буюртма беришда ёшларга ёрдамлашиш зарур. Шу маънода Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг ўқув маркази мунтазам фаолият юритиб туриши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу марказ ёш режиссёрлар спектакль қўядиган, юртимизнинг бошқа ҳудудларида саҳналаштирилган энг яхши саҳна асарлари намойиш этиладиган тажриба марказига айланиши керак. Шундай қилиш лозимки, ёшлар нафақат театримизга, балки юртимизга керакли эканлигини ҳис қилишсин ва тушунишсин.

Бугунги кунда ҳомийлик институтлари шаклланмоқда. Бундан бир неча йил бурун “Дўстлар клуби” доирасида театрларга ҳомийлар бириктирилиши амалда яхши натижа бераётган эди. Бироқ кейинги пайтларда шу нарса ҳам сусайиб қолди. Ҳозир театр соҳасида ижодий жараённи ташкил этишда, спектакллар топширилишида ҳомийларнинг бевосита иштироки деярли сезилмаётир. Хўш, бунинг сабаби нимада? Нима учун пойтахт театрларининг раҳбарлари ўз режиссёрларининг ижодий фаолиятини таъминлаш учун ҳомий қидиришмайди? Нима учун Миллий театрнинг бош режиссёри Асқар Холмўминов четдан иш қидириб, вилоят театрларида спектакллар саҳналаштириб юрибди?! Ваҳоланки, унинг ўз театридан четда саҳналаштираётган спектакллари нуфузли халқаро фестивалларнинг мукофотига сазовор бўляпти. Нима учун Асқар Холмўминов ўз иш жойида, юртимизнинг асосий театрида иш билан банд эмас? Бу режиссёрнинг фаолияти рўйхатида вилоят театрларида қўйилган ўнлаб турли саҳна асарлари бор. Унинг амалга оширилмай қолиб кетаётган лойиҳалари қанча? Бу лойиҳалар орасида Шекспир, Чехов асарлари, бир қатор замонавий чет эл муаллифларининг драмалари бор. Шуниси ачинарлики, вақт ниҳоятда тезкор, кутиб турмайди.

Шу йил баҳорда Самарқанд мусиқали драма театрида Асқар Холмўминов Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” (Ш.Файзуллаев инсценировкаси, саҳна безакчиси ва либослар бўйича рассом М.Холиқов, композитор А.Ўтагенов) достони мотивлари асосида спектакль яратди. Ушбу асар Озарбайжонда бўлиб ўтган халқаро фестивалнинг мукофотига сазовор бўлди. Афсуски, мазкур спектакль Тошкентда намойиш этилмади! Миллий анъана деярли ҳамма вақт миллий шакл билан боғлиқ бўлиб келган. “Лайли ва Мажнун” спектаклининг яратувчилари айнан шу боғламни топганлар. Асқар Холмўминов тўлиқ романтик талқинга, метафорали образлиликка, тасаввуфий рамзга эга бўлган ажойиб спектакль яратган. Постановка аниқ-равшан режиссёрлик услубига йўғрилган. Яъни режиссёрнинг мақсади илоҳий, соф, ғолиб, лекин ғофиллик, жаҳолат, шафқатсизлик қаршисида ожиз қолган севгининг туғилишини кўрсатиш бўлган. Муҳими, режиссёр асосий мақсадни очиб бериш йўлида бир жон-бир тан бўлиб ишлаган ажойиб актёрлар ансамблини тузолган.

Кези келганда, бир саволга жавоб излашга тўғри келади: нима учун Санъат ва маданият институтининг кўпчилик битирувчилари кино саноатига ўтиб кетишади? Маданият вазирлиги нима учун бундай ҳолатга эътибор бермайди? Эҳтимол, ёш, тажрибасиз режиссёрга спектаклни ишониб топшириш қалтис иш, дейишлари мумкин. Унда бу ёш режиссёр қаерда тажриба орттиради? Фақат бир мақсад билан – яхши, сифатли, бадиий жиҳатдан қизиқарли саҳна асари яратиш учун ёш ижодкорга ёрдам бериш керак. Бу борада Жиззах вилояти театри раҳбариятининг фаолияти намунали мисол бўла олади. Ёш бош режиссёр Шоҳрух Йўлдошев ўз касбини чуқур эгаллаши, маҳоратини чархлаши учун раҳбарият ёрдамини аямай келяпти. А.Чеховнинг “Оққуш қўшиғи” бир актли пьесаси асосида у яратган “Монолог” номли спектакль фавқулоддда ўзига хос талқини билан ажралиб туради. Барча кўринишлар саҳнада яшашга ўрганган, роллардаги мураккаб матнларни бемалол ёдлаш қобилиятини йўқотмаган инсоннинг кайфияти, ҳиссиёти ва эҳтиросларини намоён этишга йўналтирилган. Актёр Ҳамроз Маҳмудов кекса актёрнинг тарихини ишонарли талқин қилишга муваффақ бўлган. Спектакль мусиқаси машҳур классик оҳанглар асосида танланган бўлиб, асар мавзусига ҳамоҳанг тарзда ушалмаган орзулар ҳақидаги соғинчни ифодалашга хизмат қилган.

Театр жонли санъат бўлгани учун ҳам унда ижодий ютуқлар ва инқирозлар учраб туриши табиий. Ҳаммаси ҳаётдагидек. Ана шу ҳаётнинг давом этиши учун ҳамкасблар ва жамоатчилик астойдил ёрдам бериши, ёши улуғ ижодкорлар ёш актёрлар билан тажриба алмашиши, муҳими, ёшларга ишониши керак. Хўш бугун замонавийлик ва анъаналар ўртасидаги алоқа қандай бўлиши лозим? Бундай мувозанатга эришиш қийин, аммо ҳал қилса бўладиган масала. Баҳодир Йўлдошев номидаги “Дийдор” театр-студияси айнан шу масалани ҳал этиш йўлида яхши изланишлар олиб боряпти.

Ҳар доимгидек, театр ўзининг навбатдаги мавсумини улуғ режиссёр таваллуд топган сана – 7 сентябрда таниқли қирғиз драматурги М.Байжиевнинг “Дуэль” пьесаси мотивлари асосида саҳналаштирилган спектакль билан очди. Театр раҳбари Бобур Йўлдошев, таниқли рассом Бобур Исмоилов ва истеъдодли композитор Дмитрий Яновский ҳамкорлигида саҳнага қўйилган мазкур спектакль воқеалари бош қаҳрамоннинг хотиралари асосига қурилган. Спектакль ижодкорлари янгича компьютер технологияларига таянган ҳолда саҳнада ишонарли жонли муҳит яратганлар. Томошабин кўз ўнгида Иссиққўлнинг шовқинли тўлқинлари, учаётган турналар, балиқчи қушлар жонланади. Буларнинг бари мусиқа фонида хавотирли муҳитдан, айни пайтда инсоннинг лирика ва оғриқли соғинч билан йўғрилган бахтли бўлиш ҳақидаги ушалмаган орзусидан ҳикоя қилади.

Сўнгги йилларда театрларимиз амалиётида чет мамлакатлардан режиссёр таклиф қилиш анъанаси пайдо бўлди. Бу жуда яхши, албатта. Лекин, афсуски, таклиф этилаётган режиссёрларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг менталитетимизга хос бўлган тафаккур, дунёқараш, дунёни тушуниш каби муҳим хислатларнинг фаҳмига боравермайди, тушуниб етмайди. Севги, яхшилик, ахлоқий қадриятлар ҳақида турлича ўйлаш, уларни турли нуқтаи назардан талқин қилиш мумкин, бироқ бир нарса – томошабин буларнинг барини қандай қабул қилиши алоҳида масала. Ва буни унутиш мумкин эмас.

Одамлар театрга нима учун боради? Ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдиган, мураккаб, қарама-қаршиликларга бой тақдирлар кўрсатилувчи, инсоннинг ички оламини бойитувчи, унинг ахлоқ-одобини тарбиялашга ҳисса қўшувчи, ўзи ва оламни тушунишига ёрдам берувчи театр деб аталмиш даргоҳда хизмат қилаётган ҳар бир одам ўзига шу саволни бериши керак. Ва бу, фикримча, ўзгармас қоида бўлиб қолиши шарт.

Муҳаббат ТЎЛАХЎЖАЕВА,
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 812
Лотин ёзувидаги адади – 11 905
Медиа кузатувчилар – 19 311
Буюртма: Г – 1039
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 19:30
Сотувда нархи эркин.

ТИЛБИЛИМ

Қадимги луғатларни титиб ўтириб, бир нарсага ичим куяди. Кўпгина сўзларимиз “ўлиб кетган”. Тўғри, бугун шу сўзлар ўрнида маъно ташувчи сўзлар бор. Лекин ўша қадимий сўзлар ҳам, ҳозирги сўзлар ҳам бутун юрса, тилимизнинг бойлиги ортарди. Бир маънони бир қанча сўзларда ифодалай олардик. Бу тил учун муҳим. Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий тилдаги шу бойлик билан фахрланган ва бу тилнинг кучини шу билан кўрсатган.



УНУТИЛГАН СЎЗЛАР

Дейлик, полиздаги қўриғични кўпчилигимиз *қўриғич* ҳам демай, *чучело* деймиз. Маҳмуд Кошғарийда кўз тегмасин учун боғча ва полизларга қўйилган бундай қўриқчи *абақи* дейилган. “Ат-туҳфа” луғатида эса *шалу* дейилган. Яна бу луғатда сўлағай – чапақай, талвир – урғочи каклик, тэмён – жуволдиз, сағим – сароб, сақс – лойдан ясалган идиш, чимдивуч – мўйчинак каби талай ғаройиб сўзлар берилганки, улар сақланишга арзигулик, яшашга ҳақли сўзлардир. Ҳозир тилимиздаги қўриқчи сўзининг ёнида абақи ва шалу сўзлари тургани яхши эмасмиди? Тил ҳам она. Оналар фарзандлари билан “Ўнта бўлса, ўрни, қирқта бўлса қилиғи бошқа”, деб қувонадилар.

Одам организмидаги паразитлар маъносини ифода қиладиган гижжа сўзини ҳаммамиз биламиз. Лекин тилимиз тарихида унинг синонимлари ҳам бўлган. Маҳмуд Кошғарийда совушган, “Ат-туҳфа”да қурвали сўзи гижжани билдирган. Ёки пиво – сыра, газак – шараз сўзи билан ифодаланган. Тандирни ўтўрни, металломни пас, тахта бити, клапани ийаз, пандемияни ўлат, чорвадаги ўлатни ҳам алоҳида ном билан йут дейишган. Бундай сўзларни жуда кўп келтириш мумкин. Қарангки, бугунги тилимизда металломни ҳам, клапани ҳам ифодалайдиган яхлит туркий сўзимиз йўқ. Мен бу ерда бир неча мисоллар билан чекландим, холос. Ҳолбуки, миллий тафаккур даражаси миллий тилдаги сўзларнинг сақланиши ва ҳимояланиши билан ҳам белгиланади.

Эшқобил ШУКУР

“ЙЎҚЛАМА” ёки “БОРЛАМА”

Тилни ижодкор бойитади: янги сўзлар ясайди, элдан олади, қадим сўзларни қайта қўллайди, ўликларини тирилтиришга уринади.

Яқинда адабий учрашувда камтарин бир шоир “борламоқ” сўзи беш аср наридаги мумтоз адабий асарларимиз тилида борлигидан гапириб қолди.

Бироз таажжубландим. Уйга келиб, “Изоҳли луғат”ни варақладим. Ҳақиқатан, унда “бор” сўзи бор, “борлик” билан “борлиқ” ҳам бор. Аммо “борламоқ” ва шу сўздан келиб чиқадиган “борлама”, “борловчи” каби ўзакдошлар йўқ экан. Луғат тузувчиларни айблаш ниятим йўқ. Аслида ўзбек тилининг луғати шу даражада бойки, гоҳида X–XV асрлардан ўтиб, бугун ҳам халқимиз тилида доимо ишлатилиб келаётган баъзи сўзлар шевашунос, луғатшуносларнинг хотирасига келмас экан. Инчунин, “борламоқ” сўзи биздаги, шунингдек, қўшни республикаларнинг айрим қишлоқларида кунлик муомаладаги жуда фаол сўз саналади.

Ўн йил мактабда ўқиганмиз. Ҳар куни ўқитувчи синфга кириб, “борлама” қилар эди. Бу айнан “йўқлама”га муқобил сўздир. Гоҳо мактабимизга юқори ташкилотлардан “борловчи” келар эди. Бу ўринда “йўқловчи”га “борловчи” муқобил эмас. Балки “текширувчи”га мос келадиган сўздир.

Биринчи синф пайтимиз кимнингдир ручка ё қалами йўқолиб қолса, болалик-да, синф раҳбаримиз Эрметов дарров Қизларгулнинг сумкаси-ю чўнтакларини борлатар (текширтирар, излатар), буйруқ оҳангида “Дарума, борлаб кўринглар!” дер эди.

Адабий тилимизда: “Сизни йўқлаб келган эдим, жўра”, дейилади. Аммо бу ўринда “йўқлаб” ўрнига “борлаб”ни қўллаб бўлмайди. Чунки “йўқлаб”да мулойимлик, яқинлик, кўнгил сўрашга ўхшаш маънолар, “борлаб”да эса кескинлик, текширувчилик ва бегоналик маъноси бор.

Одатда қайнона келинни тергаб, ишларини текшириб юради. Бундан оғринган келинлар қайноналарини “борловчи, ана борлаб юрибди...”, дейди ичида.

Умуман, сўзда гап кўп. Тилимиз учун “йўқламоқ” нақадар муҳим бўлса, “борламоқ” ҳам шу қадар аҳамиятлидир. Албатта, ижод ва илм аҳли бундай сўзларнинг “фуқаролик ҳуқуқлари” поймол бўлишига йўл қўймаслиги керак.

Баҳодир НУРМУҲАММАД